УШБУ СОНДА:

2 ЭГАСИЗ ҚАРЗ

3 МУҲИМ ҲАЁТИЙ ОМИЛ

ОМОНАТГА ХИЁНАТ

4 ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 27 (334)
2003 йил
8 ИЮЛ
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар бериши учун муддат белгиланмайди. Айрим ҳолларда муайян давлат органининг ариза, таклиф ва шикоятни кўриб чиқиш имкониятига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ўз вақтида рўёбга чиқариш, уларнинг қонуний манфаатлари ҳимоя этилишини таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқа асосларга кўра, бундай давлат органларига ариза, таклиф ва шикоятларни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят фуқарога унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёки қарорлар қабул қилинганлиги маълум бўлиб қолган пайтдан эътиборан узоғи билан бир йил ичида берилиши мумкин. Узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган муддат ариза ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи томонидан тикланади.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 16-МОДДА.

МОҲ: САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК ДАВОМ ЭТАДИ

Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга берган интервьюсида таъкидлаганидек, бундан қарийб бир ярим йил муқаддам Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти негизида "Марказий Осиё ҳамкорлиги" деган мутлақо янгича шаклдаги демократик тузилма ташкил этилганди. Иқтисодиётга оид масалалар билангина чекланиб қолган илгариги иқтисодий ҳамжамиятдан фарқли ўлароқ, ушбу ташкилотнинг ўзига хос жиҳати шундаки, унга аъзо тўрт мамлакат эндиликда нафақат иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, балки сиёсий, ижтимоий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш учун пайдо бўлган янги имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

"Марказий Осиё ҳамкорлиги" (МОҲ) ташкилотини тузиш юзасидан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон президентлари 2001 йилнинг декабрида Тошкент учрашувида эришган келишув 2002 йил февраль ойида Алмати саммитида расмий таъсис ҳужжати имзоланиши билан ҳаётга татбиқ этилди. Ушбу ташаббус соҳиби Ислом Каримов ўшанда янги ташкилотга раис этиб сайланди. Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган даврда МОҲга аъзо мамлакатлар президентлари 2002 йил 6-7 июль кунлари Оқтовда (Қозоғистон), 5-6 октябрда Душанбеда (Тожикистон), 27 декабрда Остонада (Қозоғистон) учрашди.

Бу галги Алмати саммити мазкур ташкилот доирасидаги бешинчи олий даражадаги учрашув бўлди. Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги мажлисида, шунингдек, кенгайтирилган таркибдаги йиғилишда, аввало, "Марказий Осиё ҳамкорлиги"нинг ўтган даврдаги фаолияти сарҳисоб этилди.

Анжуманда ташкилотга Ўзбекистон томони раҳбарлик қилган ана шу даврда мамлакатларимизнинг муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида салмоқли одимлар қўйилгани таъкидланди. Давлатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларидан ташқари, Тошкент шаҳрида минтақа микёсидаги ишбилармон доираларнинг бизнес-форуми, ташкилотга аъзо мамлакатлар парламентлари вакиллари йиғилиши ташкил этилди. Энг муҳими, ташкилотнинг нуфузи ва самарадорлигини ошириш учун ушбу минтақавий тузилма доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг амалий жиҳатлари ва тўлиқ ижросига алоҳида урғу берилди.

Музокаралар чоғида минтақада иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг, сиёсий, ижтимоий, илмий-техникавий, маданий-маърифий алоқаларни кенгайтиришнинг шакл ва механизмларини такомиллаштириш масалаларига ҳам жиддий эътибор қаратилди.

Президентлар халқаро масалалар, уларнинг минтақа мамлакатларига таъсири, хусусан, тинч ҳаётга қадам қўя бошлаган Афғонистондаги ўзгаришларнинг ижобий жиҳатлари, ушбу мамлакатга кўмаклашишда саъй-ҳаракатларни ўзаро мувофиқлаштириш ҳақида ўзаро фикр алмашди.

Ташкилот доирасидаги учрашувлардан бирида Ислом Каримов минтақа мамлакатлари ўртасида ўзаро теледастурлар намойиш қилиш таклифини илгари сурганди. Саммит якунлари бўйича уюштирилган матбуот анжуманида Президентимиз бу борадаги ҳозирги вазият ҳақида гапираркан, жумладан, бундай деди:

— Мамлакатларимиз халқларини теварак-атрофимизда ва биринчи галда, минтақамизда юз бераётган воқеалардан, янгиликлардан хабардор қилиш ҳақида кўп гапиряпмиз. Аммо бу фикрни ҳаётга татбиқ этишга ҳозирча муваффақ бўлолмаяпмиз. Вақоланки, ахборот, фақат холис ахборотгина бир-биримизни тўғри ва чуқур англашимиз учун имконият яратади.

Шу боис мазкур анжуманда ҳам бу борада амалий қадам қўйилди. Эндиликда ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакат телевидениеси ҳафтасига икки соатдан тегишли мамлакатлар телевидениеси кўрсатувларини намойиш этиб боради.

Ислом Каримовнинг таъкидлашича, ушбу қарор ахборот алмашиш борасида ташкилот доирасидаги ҳамкорликнинг дастлабки босқичидир. Келгусида бу жабҳадаги ҳамкорлик мамлакатларимизда ўзаро мухбирлик пунктларини очиш ва бу соҳада мавжуд натижаларни ичига ривожлантириб боришдан бошлаб, минтақа мамлакатларининг биргаликда ер йўлдошидан унумли фойдаланишигача бўлган кенг кўламли ва узоқ муддатли саъй-ҳаракатларни қамраб олади.

Бу — мамлакатларимиз ҳаётини чуқурроқ билишга, халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштиришга, минтақа давлатлари раҳбарлари аҳдлашувларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кишиларимиз теранроқ англашига, давлатларимиз ўртасида бундан-да очиқроқ мулоқотлар пайдо бўлишига олиб келади. Ўзаро ишончни мустаҳкамлайдиган бундай ҳаракат, шубҳасиз, минтақавий ҳамкорликни кенг ривожлантиришда энг сосий омиллардан биридир.

Учрашув якунлари бўйича бир нечта қўшма ҳужжатлар имзоланди. Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг қўшма баёноти, Терроризм, экстремизм ва наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштиришни кучайтириш тўғрисидаги қарор шулар жумласидандир.

Ушбу ҳужжатлар лойиҳалари Президентлар томонидан чуқур муҳокама этилди ва муҳим амалий тавсиялар билан бойитилди. Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев, Асқар Акаев ва Имомали Раҳмонов қўшма баёнотни муҳокама этиш мобайнида ташкилот доирасида минтақа сув-энергетика заҳираларидан фойдаланиш бўйича консорциум тузиш, манфаатдор давлатлар ўртасида коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш ҳамда минтақа мамлакатларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Учрашувда мамлакатларимиз интеграциялашуви жараёнини фаоллаштиришда ва минтақа аҳолиси ҳаёт даражасини яхшилашда ғоят муҳим аҳамият касб этувчи ана шу фикрларни амалга ошириш учун яқин истиқболда қилинажак ишлар кўлами белгилаб олинди. Хусусан, биринчи галда халқаро молия ташкилотларига мурожаат этиш ва бу борада тегишли концепция ишлаб чиқишга келишилди.

"Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига кейинги муддатга Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев раис этиб сайланди.

Ташкилотнинг навбатдаги саммитини Душанбе шаҳрида ўтказишга келишиб олинди.

Шу билан "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг учрашуви ниҳоясига етди.

Юртбошимиз "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилотига таъриф берар экан, бундай ном берилаётганида шу тузилма доирасида минтақа миқёсида ҳар томонла, кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш кўзда тутилганига эътиборни қаратди.

Бир сўз билан айтганда, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг Алмати саммити ва умуман, тузилманинг қарийб бир ярим йиллик фаолияти якунлари шундан далолат берадики, "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти зиммасидаги вазифаларни дадил адо этмоқда.

Ушбу ташкилот неча минг йиллар давомида дўст ва иноқ, ҳамкор ва ҳамжиҳат яшаб келаётган, ўзининг азалий ва замонавий қадриятлари билан башарият тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган халқларимиз ўз тараққиёти йўлида аввало ўзлигини англаши, ўз кучи ва интилишларига таяниши, қолаверса, бошқалар билан, хусусан, қўшнилар билан узоқ муддатли самарали ҳамкорликни ривожлантириши учун кўмаклашиш борасида салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Ғулом МИРЗО,
ЎзА махсус мухбири
Тошкент-Алмати-Тошкент.

Истиқлол ва имконият

ЯНГИ ТАРИХИМИЗНИНГ ЗАРҲАЛ САҲИФАЛАРИ



БИЗНИНГ МАЪЛУМОТ:

1990 ЙИЛ. Наврўз байрами қайта тикланди ва кенг нишонланди. Миллий байрам куни — дам олиш куни деб эълон қилинди.

* * *

Шу йили Бобораҳим Машраб таваллудининг 350 йиллиги, Муҳаммадризо Огаҳийнинг 180 йиллиги нишонланди.

* * *

1990 ЙИЛ 14 СЕНТЯБР. Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Бу анжуман қатнашчиларига Президентимиз Ислом Каримов табрикнома йўллади.

* * *

1992 ЙИЛ 26 ФЕВРАЛ. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой қатнашчиларига Президент Ислом Каримов табрикнома йўллади.

* * *

1992 ЙИЛ 27 МАРТ. Президент Ислом Каримов "Рамазон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш тўғрисида" Фармонига биноан Рамазон ҳайитининг биринчи куни дам олиш куни деб эълон қилинди.

* * *

1992 ЙИЛ 16 ДЕКАБР. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Қоҳирадаги "Ал-Ахзар" университети доктори фахрий унвони берилди. Университет илмий кенгаши ушбу унвонни Ислом Каримовга ислом динининг ҳимояси ҳамда мусулмон олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш борасидаги хизматлари учун берди.

* * *

1993 ЙИЛ 16 СЕНТЯБР. Бухорода буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд таваллудининг 675 йиллигига бағишланган тантаналар бошланди. Бу тантаналарда Президент Ислом Каримов иштирок этди.

* * *

1995 ЙИЛ НОЯБР. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида буюк тилшунос олим, шоир ва файласуф Абул Қосим аз-Замахшарий таваллудининг 920 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди.

* * *

1996 ЙИЛ 13 НОЯБР. Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Бу мажлис иштирокчиларига Президент Ислом Каримов табрикнома йўллади.

* * *

1998 ЙИЛ 23 ОКТЯБР. Самарқандда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик тўйи тантаналари бўлиб ўтди. Буюк муҳаддис ёдгорлик мажмуининг очилишига бағишланган маросимда Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

* * *

1998 ЙИЛ 24 ОКТЯБР. Фарғонада буюк астроном олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик таваллуд тўйлари нишонланди. Ушбу тантанада Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

МУНОСИБ ВОРИСЛИК ЭҲТИРОМИ

УЧИНЧИ МАҚОЛА

Хабарингиз бор, газетамизнинг ўтган сонида истиқлол йилларида мамлатимизда маърифий-маданий соҳада амалга оширилган тенгсиз эзгу ва хайрли ишлар, ижобий ютуқлар ҳақида музейлар мисолида ҳикоя қилган эдик. Бу сонда ҳам ушбу мавзуни давом эттириб, истиқлолнинг ўтган даврида маънавий ҳаётимизда рўй берган ўзгаришлар — диний қадриятларимизни тиклаш, буюк аждодларимизга ҳурмат бажо келтириш, уларнинг бой меросини эъзозлаш, эътиқод эркинлигини таъминлаш борасида сўз юритишни лозим топдик.

Халқимиз қонида, насл-насабида азал-азалдан эзгулик ва маърифатга интилиш туйғулари жўш уриб келган. Бу эса ўз навбатида инсониятга Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Имом Мотрудий, Аҳмад ал-Фарғоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк зотларни етиштириб берган. Биз уларнинг ҳар бири билан ҳақли равишда фахр-у ифтихор қиламиз. Зеро, бундай табаррук аждодларимизнинг ақл-заковати, фидойилиги ва буюк жасорати туфайли юртимиз дунё тараққиётининг бешигига айланди. Уларнинг оламшумул мероси жаҳон маданияти ва маърифати хазинасининг ажралмас қисмидир. Шу билан бирга бу табаррук мерос ислом маданиятини шаклланишга сезиларли таъсир кўрсатгани билан ҳам эътиборга моликдир. Бинобарин, халқимизнинг яшаш тарзи, маданияти ва анъаналари ана шу эътиқод асосига қурилган. Шу боис халқимиз тарихнинг энг фожиали ва оғир дамларида ҳам ўз эътиқодидан қайтмаган. Бунга истаганча мисол келтириш мумкин.

Ҳолбуки, кеча халқимиз бошидан кечирган шўро тузуми даврида унинг эътиқодига қарши шафқатсиз зуғумлар қилинган, юртимиздаги азиз-авлиёлар абадий макон топган зиёратгоҳ ва қадамжолар вайрон этилган, қаровсиз қолдирилган эди. Эски тузум, эски мафкура зуғумидан халос бўлгач, мамлакатимизда ўзлигимизни, қандай улуғ инсонларнинг авлод эканимизни, қандай бой ва бебаҳо маънавий мерос ворислари эканимизни англаш, миллий қадриятларни тиклаш йўлида кўплаб хайрли тарихий тадбирлар амалга оширилади. Хусусан, Президентимиз таъбири билан айтганда, савоб ишни ҳар ким қилиши керак, савоб ишни ҳар кун қилиш керак. Савобли амаллар қилиш эса халқимизга хос азалий хислатдир. Савобли ишларни қилган одамга, унинг элу юртига, албатта, Оллоҳнинг раҳматлари ёғилади. Муқаддас Қуръоний оятда таъкидланганидек, яхшиликнинг мукофоти фақат яхшиликдир. Биз эзгу ишларни қанча кўп қилсак, улуғ аждодларимизнинг иззат-икромини жойига қўйсак, уларнинг табаррук номларини бутун дунёга таранним этсак, Яратганнинг ўзи бизни бало-қазолардан асрайди, куч-қудрат ато этади, йўлимизни очиб беради. Бу каби савоб ишлар истиқлол яратган янги тарихимизнинг зарҳал саҳифаларидир. Уларда халқимизнинг буюк келажаги пойдевори ўз аксини топган.

> ***Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида саноқли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она Ватанимиз Аллоҳнинг назари тушган ана шундай муқаддас диёрдир.***
>
> **Ислом КАРИМОВ**



Tahlil va sharh

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ: БУГУН ВА ИСТИҚБОЛ

Бизнинг маълумот: Ҳозирги пайтда Наманган вилоятида 421,3 мингта деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ихтиёридаги ер майдони 23,1 минг гектарни ташкил этади. Деҳқон хўжаликларининг қарамоғида 303 минг бош қорамол ва 420,9 минг бош қўй-эчки боқилмоқда. Паррандачилик билан шуғулланаётган деҳқон хўжаликлари ихтиёрида эса 574,7 мингта парранда мавжуд. Шу йилнинг биринчи чорагида вилоят бўйича етиштирилган ғўзанинг 95 фоизи, сутнинг 93 фоизи, тухумнинг 78,3 фоизи деҳқон хўжаликлари зиммасига тўғри келган.

Маълумотномада кўриниб турибдики, халқ истеъмоли маҳсулотларининг асосий қисмини деҳқон хўжаликлари ишлаб чиқарган. Шу ўринда шундай табиий савол туғилади: Хўш, деҳқон хўжалиги аъзоларининг моддий манфаатдорлиги қандай бўлмоқда? Бу саволга жавоб беришдан олдин қуйидаги мисолларга эътибор қаратишни лозим топдик. Тўрақўрғонлик В.Зокиров 14 сотих, М.Қамбаров 13 сотих ерда оиласи билан лимон етиштиради. Уларнинг ҳар бири ўтган йилнинг ўзида 2,5 миллион сўмдан даромад олишди. Чуст туманида яшовчи М.Султонов эса 30 сотих ерда узум ва анор етиштириб, 3 миллион сўм соф даромадга эга бўлди. Олмос қишлоғида яшовчи М.Тўйчиев 16 сотих ерда сабзавотчилик ва боғдорчилик билан шуғулланди. Йил якунида унинг оиласи 3 миллион сўм даромадни қўлга киритди. Бундай мисолни Уйчи туманида яшовчи Х.Расулов ва М.Отажонов бошлиқ деҳқон хўжаликлари мисолида ҳам давом эттириш мумкин. Бироқ бу "ҳаммаси жойида" дегани эмас.

Гап шундаки, аҳолининг халқ истеъмол молларига бўлган талаби кун сайин ортиб бормоқда. Бу эса деҳқон хўжаликларини ривожлантиришнинг истиқболли йўлларини излаб топиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилишни тақозо этади.

(Давоми иккинчи бетда)

Ajab savdolar

ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ТАҚДИМНОМАЛАР

Тақдимнома — оддий қоғоз эмас. Уни ҳар бир ақли расо инсон яхши тушунади. Тўғри, унга нисбатан эътибор сусайса, беписанд қараш ҳоллари содир бўлса, у ҳолда тақдимнома қадрсизланади. Ахир, ҳар бир тақдимноманинг ортида инсон тақдири, ташвиш ва ечимини кутаётганган энг муҳим муаммолар ётадики, буни пайсалга солиш масаланинг баттар чигаллашиб кетишига олиб келади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 57-қарорининг 7-бандига мувофиқ, Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги тузилмаларига барча вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари, муассасалар раҳбарларига қонун ҳужжатларининг аниқланган бузилишларини, унинг сабабларини, бузилишга кўмаклашган шарт-шароитни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатда бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш ваколати берилган. Шунга асосан Навоий вилояти адлия бошқармаси томонидан мутасадди идораларга турли тақдимномалар киритилмоқда. Бироқ ана шундай тақдимномаларга Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси эътиборсиз билан қарамоқда. Хусусан, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Навоий вилояти бўлими томонидан йўл қўйилган қонунбузилишлар юзасидан киритилган тақдимномалар белгиланган тартибда ижро этилмаяпти. Шу ўринда мисолларга мурожаат этсак, тадбиркор Раъно Саидова Кармана туманида "Самандар" хусусий фирмасини ташкил этди-ю, ҳаловати йўқолди. Савдо-сотиқ юмушларини юритиш учун банкнинг ёрдамига муҳтожлик сезгач, у Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкнинг Навоий вилояти бўлимига қисқа муддатли 3 миллион сўм кредит сўраб, ариза билан мурожаат қилди. Гаровга онаси С.Раҳмоновага тегишли бўлган ҳовлини таклиф этди. Ариза шу куннинг ўзида банк бошқарувчиси томонидан кредитлаш бўлими бошлиғи Ф.Давлатовга ижро учун топширилди.

2000 йил 7 мартда 907-сон билан Адлия вазирлигида рўйхатда олинган **"Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари, шунингдек, кичик ва ўрта бизнес субъектларини миллий валютада кредитлаш"** Тартибининг 2,8-бандига кўра Раъно Саидованинг аризаси 15 кунлик муддатда, яъни 30 августгача кўриб чиқилиши лозим эди. Аммо бу иш анча чўзилиб кетди. Банк мутахассислари 26 сентябр куни ҳовлини кўриб чиқиб, 3,8 млн сўмга баҳолашди ва "Самандар" хусусий фирма оладиган кредит қайтарилишини таъминлаш учун гаровга олиш мумкин деган хулосага келишди.

Банк масъул ходимларининг бундай ҳаракатлари натижасида "Кредитлаш тартиби" ва "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунининг 7-моддаси талаблари бузилган ҳолда ариза муаллифига ўрганиш хулосаси маълум қилинмаган.

Ушбу қонунбузилиши юзасидан Марказий банкнинг Навоий вилояти бош бошқармаси бошлиғи Ғолиб Содиқов номига 2001 йил 12 ноябрда 22/269 сонли тақдимнома киритилди. Бироқ унга жавоб бўлмагач, 20 декабрда яна такроран хат йўлланди. Унда қонунбузилишларида айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан ўз вазифасидан озод этишгача бўлган қаттиқ интизомий чоралар кўриш, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймаслик юзасидан аниқ тадбирлар белгилаш, тадбиркор Р.Саидованинг кредит сўраб қилган мурожаатининг қонуний ҳал қилинишини назоратга олиш ҳамда тақдимномага асосан кўрилган чоралар ҳақида 15 кунлик муддат ичида ёзма равишда маълумот бериш сўралган эди. Афсуски, Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси мутасаддилари кўплаб огоҳлантиришларга қарамасдан узоқ муддат «ломлим» дейишмади. 2002 йил 20 февраль куни тақдимномани ижро этишдан бўйин тоблагани учун Марказий банкнинг Навоий вилояти бош бошқармаси раҳбари Ғ.Содиқовни "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодекснинг 198-моддасига асосан жазолаш тўғрисида баённома тузилиб, кўриб чиқиш учун фуқаролик ишлари бўйича Навоий шаҳар судига юборилгач, бошқармадан 291/21-сонли тақдимнома жавоби олинди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ajab savdolar

ҚОҒОЗДА ҚОЛГАН ТАҚДИМНОМАЛАР

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Суд Ғ.Содиқовни бундай ҳуқуқбузарликни биринчи марта содир этаётгани, унинг оқибатлари бартараф қилинганини инобатга олиб, маъмурий жавобгарликка тортмасдан расмий огоҳлантирган эди.

Аммо бу "огоҳлантириш" Ғ.Содиқовга таъсир этмаган, шекилли, Миллий банкнинг Навоий вилояти бўлими масъул ходимлари томонидан йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича киритилган тақдимномаларни белгиланган тартибда ижро этмаслик "анъанаси" ҳозирги кунга қадар ҳам давом этмоқда.

Яна бир мисол: Нурота туманидаги "Ҳазрат ота" фермер хўжалиги раиси А.Жумаевнинг кредит сўраб қилган мурожаати Миллий банкнинг Навоий вилояти бўлими томонидан қонуний кўриб чиқилмагани тўғрисидаги шикоят хатини ўрганиш давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан вилоят Марказий банк бош бошқармасига 2002 йил 12 августда киритилган тақдимномага ўша йилнинг 5 сентябрида 1551/21-сонли хат билан тақдимнома талаблари бажарилмасдан, юзаки жавоб берилди. Жумладан, унда шундай дейилади: "Ишда йўл қўйган камчиликлари учун Миллий банкнинг Навоий вилояти бўлими бош мутахассиси У.Болтаев огзаки огоҳлантирилди ва бундан кейин ушбу турдаги камчиликларга йўл қўймаслиги уқтирилди".

Ана сизга жавоб. Айни шундай ҳолат Навбаҳор туманидаги "Навбаҳор" ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган У.Худойбердиев раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги шикоят-аризаси масаласида ҳам қайд этилди. Яъни 2002 йил 6 октябрдаги 2027/21-сонли хатга ҳам юзаки жавоб қайтарилди. Унда Миллий банк раҳбарига кафиллик шартномаларини тузилишида Фуқаролик кодексининг тегишли моддалари талабларидан четга чиқмаслик лозимлиги алоҳида уқтириб ўтилган. Шунингдек, Навоий шаҳридаги "Истиқлол" хусусий фирмаси раҳбари О.Эргашевнинг кредит сўраб қилган мурожаати Миллий банк томонидан қонуний кўриб чиқилмаган. Шу масалада Марказий банкка 2003 йил 28 майда киритилган тақдимномага 13 июндаги 933/21-сонли хат билан яна юзаки жавоб олинди.

Бундай «иш услуби» бошқа банклар фаолиятида ҳам учраб турибди. Мисол тариқасида айтсак, шу йилнинг 27 феврал куни "Савдогарбанк"нинг Навоий бўлими бошқарувчиси вазифасини бажарувчи У.Умаров номига 22/92 сонли тақдимнома киритилди. Унда банк томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатишда йўл қўйилган қонунбузарликларга чек қўйиш сўралган эди. Афсуски, у киши ҳам "чора-тадбирлар белгиланди, айбдор огоҳлантирилди" қабилида жавоб юборган.

Яна шуни айтиш керакки, мулк шаклини ўзгартириш, ерларни фермерларга тарқатиш жараёнида бир қатор қонунбузилишларга йўл қўйилаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Айниқса, бундай ҳолат Хатирчи туманида тез-тез содир этилаяпти. Тумандаги Мирзо Улуғбек номидаги қишлоқ хўжалиги корхонасини фермерлар уюшмасига айлантириш даврида ана шундай нуқсонларга йўл қўйилди. Хўжаликнинг 186-187-188-контурлари учун ўтказилган танловда йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан туман ҳокими Э.Турдимов номига шу йилнинг 13 феврал куни 22/31-сонли тақдимнома киритилган эди. Бироқ бу тақдимнома сувга отилган тошдек изсиз кетди. Яъни ҳали-ҳануз жавоб олинмади.

Навбаҳор туманидаги "Истиқлол" қишлоқ хўжалиги корхонаси томонидан фуқаро О.Тоированинг қўшимча ер ажратиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқишда юзакичиликка йўл қўйилган. Ана шу масала бўйича туман ҳокими Ғ.Облақулов номига шу йилнинг 3 мартида 22/45-сонли тақдимнома юборилди. Унга "О.Тоированинг аризасига ўз вақтида жавоб бермагани учун ер тузувчи муҳандис У.Қобиловга ҳайфсан берилди" деган мазмунда жавоб олинди.

Худди шундай тақдимномалар вилоят ер ресурслари бошқармаси бошлиғи М.Ёрматовга, вилоят Давлат санитария-эпидемиология назароти бош врачи Ғ.Умаровга, шунингдек, Навоий, Қизилтепа туман ҳокимларига юборилган тақдимномаларга ўз муддатида жавоб келмаяпти. Юборилганлари ҳам шунчаки хўжакўрсинга, «огоҳлантириш ёки жаримага тортилди» қабилида бўлаяпти. Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг юқорида қайд этилган қарорига биноан тақдимномалар белгиланган муддатда бажарилиши мажбурий бўлиб, унга эътироз бўлган тақдирда Хўжалик Процессуал Кодекснинг 24-моддасига асосан уни ижро этилиши мумкин эмас, деб топиш тўғрисида хўжалик судига даъво ариза билан мурожаат қилиш лозим бўлади.

Шу йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоят Адлия бошқармаси томонидан 29 та тақдимнома киритилди. Ушбу тақдимномаларнинг 13 таси туман ҳокимликларига, 5 таси вилоят банк муассасалари бошлиқларига, қолган 11 таси эса вилоятнинг бошқа ташкилот ва идоралари раҳбарларига юборилди. Тақдимномаларга асосан 10 нафар масъул шахсга нисбатан интизомий жазолар қўлланилган. Тақдимномалар юзасидан олинган жавоб хатларини ўрганиш жараёнида шунга амин бўлдикки, айрим жойларда бу масалага панжа орасидан қаралмоқда. Оддий, ечимини топиш мураккаб бўлмаган муаммолар шу жойни ўзида ҳал этилмаяпти. Локайдлик ёмон иллат. Озгина қонунбузилишларга йўл қўйиш, масаланинг чигаллашиб кетишига олиб келади. Оқибатда "шикоятчи"лар юқори ташкилотларга мурожаат қилишга мажбур бўлишади.

Шерали ТОШЕВ,
ҳуқуқшунос
Ёркул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Bugunning gapi

ЖАВОБГАРЛИК

У ҚОНУНГА МУТАНОСИБ БЎЛИШИ КЕРАК

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, хўжалик юритувчи субъектларда ҳисоб-китоб ишларини аниқ ва пухта юритилиши кўп жиҳатдан улар ўртасида тузилган шартномаларнинг қонуний, келишилган барча шартларнинг аниқ ва тўлиқ ёритилганига боғлиқ. Шу боис **"Хўжалик юритувчи суъбектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонуннинг 10-моддасида хўжалик шартномаларига қўйиладиган талаблар, шунингдек, шартноманинг муҳим шартлари аниқ белгилаб қўйилган. Ушбу муҳим шартларга тарафларнинг шартнома бўйича олган мажбуриятлари ҳамда бу мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликнинг аниқ белгиланишини кўрсатиш мумкин. Шундай бўлса-да, айрим субъектлар томонидан шартномалар бўйича мажбуриятларни бажариш ҳамда мажбуриятни бажармаганлик учун жавобгарликка тортишда монопол мавқедан фойдаланиш ҳолатлари давом этмоқда. Натижада улар билан шартнома муносабатига киришганлар асоссиз равишда жавобгарликка тортилиб, улардан турли хил жарималар ундириб келинмоқда. Бундай нохуш ҳолатлар йирик қишлоқ хўжалиги корхоналари билан шартнома муносабатларига киришган пудратчилар ўртасида кўплаб учрамоқда. Таъкидлаш жоизки, *ширкат хўжаликлари томонидан жаримага тортилган оила пудратчиларининг аксарияти минерал ўғитлар ва шартномада белгиланган иш ҳақларини тўлиқ миқдорларда олмаган. Шунингдек, ширкат хўжаликларининг молия-ҳисоб марказида пудратчиларнинг шартнома мажбуриятини бажармаганликдаги айбдорлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд эмас.* Ваҳоланки, ширкат хўжаликлари билан оила пудратчилар ўртасида тузилган шартномаларда маҳсулот етиштириш мажбурияти пудратчининг айби билангина бажарилмаганида буюртмачи хўжалик маҳсулот қийматини талаб қилиш ҳуқуқига эга, деб кўрсатилган. Бироқ пудратчиларни жаримага тортишда уларнинг мажбуриятни бажармаганликда айби бор ёки йўқлиги, хўжалик томонидан шартнома мажбуриятлари қай даражада бажарилгани ўрганилмаган ҳолда жарималар қўлланилган.

Масалан, Наманган *вилоятида мавжуд 135 нафар ширкат хўжаликларида 2002 йилда фаолият юритган ва шартнома мажбуриятларини бажара олмаган 1742 нафар пудратчилар 996.4 млн. сўм жарима жазосига тортилган.* Жумладан, Косонсой туманидаги "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги томонидан 2002 йилда ғаллачилик бўйича ўз шартномавий режасини бажара олмаган 67 нафар оила пудратчилардан 1.296.185 сўм миқдорида ноқонуний жарима ундирилган. Масалан, пудратчи А.Мўминовга шартномага асосан 12.168 килограмм минерал ўғит берилиши лозим бўлса-да, унга 8841 килограмм, пудратчи М.Мирғиёсовга эса шартномадаги 5408 килограмм ўрнига 3436 килограмм, М.Ҳожихоновга 9464 килограмм ўрнига 6013 килограмм ва Р.Эшматовга 10816 килограмм ўрнига 6872 килограмм минерал ўғит етказиб бериб, хўжалик ўз шартнома мажбуриятларини бажармаган.

Чуст тумандаги "Варзик" ширкат хўжалигида ҳам 2002 йилда хўжалик билан ғалла етиштириш юзасидан шартнома тузиб ўз шартномавий режасини бажармаган оила пудратчиларидан ноқонуний равишда 824.660 сўмлик жарима маблағи ундириб олинган. Жумладан, оила пудратчиси Х.Хошимовдан 32.760 сўм, С.Турдиевдан 44.100 сўмлик, Т.Зиёевдан 35780 сўмлик жарима ундирилган.

Уйчи туманидаги Беруний номидаги ширкат хўжалиги ҳам шартнома мажбуриятларини бажара олмаган 19 нафар оила пудратчиларидан 473 минг сўмлик жарима ундирганини қандай изоҳлашни билмайди киши.

Янгиқўрғон туманидаги Сатторов номидаги ширкат хўжалиги 2002 йилда шартнома мажбуриятларини бажармаган 222 нафар оила пудратчиларига 6.838.000 сўмлик жарима солган. Ваҳоланки, хўжалик томонидан ушбу пудратчиларга шартномадаги режадан кам миқдорда минерал ўғитлар етказиб берилган.

Янгиқўрғон тумандаги "Туркистон" ширкат хўжалигида 2002 йилнинг 6 ва 9 май кунлари қаттиқ жала ва дўл ёғиши оқибатида ширкат хўжалигининг деярли барча ҳудудларидаги ғалла майдонларида ҳосилнинг 80 фоизи нобуд бўлгани ҳақида 20 нафар аъзодан иборат гуруҳ далолатнома тузган бўлса-да, хўжалик ғалла етиштириш бўйича шартномавий режани бажара олмагани учун бир қанча оила пудратчиларига 970 минг сўмлик жарима солинган (Адлия вазирлиги ходимлари аралашуви билан ушбу жарималар бекор қилинди).

Бундай ҳолатларни бошқа вилоятлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, Сурхондарё вилояти, Қизириқ туманидаги "Истиқбол" ширкат хўжалиги томонидан пудратчи А.Алимовга ғалла етиштириш учун шартномада кўрсатилган 1600 килограмм ўрнига 200 килограмм минерал ўғит етказиб берилганига қарамай шартнома мажбуриятини бажармагани учун 30400 сўмлик жарима ундирилган. Вилоят адлия бошқармаси томонидан киритилган тақдимнома асосида ушбу жарималар бекор қилиниб, пудратчининг асоссиз жаримага тортилишида айбдор бўлган ширкат хўжалиги молия ҳисоб маркази бошлиғи К.Туранов, ҳосилот М.Мардиевлар интизомий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, Бухоро вилояти, Вобкент туманидаги "Вобкент" ширкат хўжалиги томонидан 9 нафар оила пудратчилардан ноқонуний равишда ундирилган 889.368 сўм миқдоридаги жарималар Бухоро вилоят адлия бошқармасининг даъво аризаси асосида суднинг қарори билан бекор қилиниб, асоссиз ундирилган жарима суммалари пудратчиларга қайтарилди. Бундан ташқари, Қашқадарё вилояти, Яккабоғ туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги томонидан 2002 йилда ғалла топшириш бўйича шартнома режаларини бажара олмаган 60 нафар пудратчиларга ҳисобланган 2.9 млн. сўмлик ҳамда пахта етиштириш режасини бажара олмаган 19 нафар пудратчиларга ҳисобланган 6.1 миллион сўмлик жарималар вилоят адлия бошқармасининг тақдимномаси асосида бекор қилиниб, пудратчиларнинг қонуний ҳуқуқлари тикланди.

Хулоса шуки, шартнома мажбуриятларини бажармаган тараф, албатта, жавобгарликка тортилиши зарур. Бироқ жавобгарлик айбдор тарафга нисбатан қўлланилиши шарт. Зеро, тарози посангиси баравар бўлгандагина адолат тамойили бузилмайди. Шу маънода шартнома шартларини тарози палласига қиёслаш мумкин.

Акмал НАБИРАЕВ,
Адлия вазирлиги
масъул ходими

Qonun ko`magi

Ўтган йилнинг куз ойлари эди. Атрофдаги ялонғоч дарахтлар орасига сочилган хазонли барглар қиш эшик қоқиб келаётганидан дарак берарди. Ана шундай кунларнинг бирида кутилмаганда "Табриз" ошхонасига кириб келган "Сурхондарёгазтаъминоти" шўъба корхонаси ҳамда "Термизшаҳаргазтаъминоти" филиали ходимлари Р.Отамуродов, М.Бозоров, А.Холиёровлардан иборат текширувчиларни кўрган хусусий фирма бошлиғи Ҳусан Сайдуллаевнинг кўнглини яна хавотир чулғади. Очиғи, унинг хаёлидан «яна текширишга келишди, бу сафаргиси қанчага тушар экан?" — деган ўй ўтди.

ТИКЛАНГАН ҲУҚУҚ

— Биз ошхонангизда газдан фойдаланишни текширмоқчимиз, — деди салом-аликдан сўнг Р.Отамуродов.

— Шу йилнинг ўзида учинчи марта текшириш ўтказилаяпти. Ахир, ошхонанинг газ тармоғига уланиш лойиҳаси бўлса, қолаверса, 2000 йил 2 декабрь куни 1276-сонли шартнома тузганмиз. Яна нимани текширасизлар? — дея норозилик билдирди фирма бошлиғи.

— Бу гал газ асбоб-ускуналарини текширамиз, тамом-вассалом.

— Биродар, ана қаранг, — деб имо қилди шунда Ҳусан ака, — ошхонамиз ёнидан қўшни хонадонга 50 ммл қувур орқали газ бормоқда. Биз бор-йўғи 0,15 ммл қувур билан газ олмоқдамиз. Инсоф ҳам керак-да, ахир! Ҳадеб текшираверасизларми?

— Гапни кўпайтирманг. Йўқса, газни узиб қўямиз!..

Бу гапдан сўнг хусусий фирма бошлиғи уларга "Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"ни тўлдиришни таклиф қилди. Бироқ назоратчилар уни тўлдиришдан бош тортишди. Устига-устак, ошхонадаги газ ўчоқлари, иситиш ва газ ўлчагич асбобларини кўздан кечиришиб, "газ ёнувчи ўчоқнинг қаерда ишлаб чиқарилгани кўрсатилмаган" деган мазмунда далолатнома тузишди ва ошхонага газ беришни тўхтатиб қўйишди.

Шундан сўнг Ҳусан Саъдуллаев ошхонасига газ тармоғини улаш учун қарийб олти ой "Термизшаҳаргазтаъминот" корхонасига бўзчининг мокисидек қатнади. Лекин бундан ҳеч қандай натижа чиқмади. Охири тоқати тоқ бўлган Ҳ.Саъдуллаев шу йилнинг апрел ойида вилоят адлия бошқармасига ўз ҳақ-ҳуқуқларини тиклаб беришни сўраб ариза билан мурожаат қилди. Адлия бошқармаси ходимлари аризани ўрганиб чиқишиб, вилоят хўжалик судига унинг манфаатини кўзлаб даъво аризаси киритди. Суд мажлисида "Сурхондарёгазтаъминот" шўъба корхонаси ва "Термизшаҳаргазтаъминот" филиали ходимлари Р.Отамуродов, М.Бозоров, А.Холёровлар ўтган йили "Табриз" хусусий фирмасига қарашли ошхона билан тузилган ўзаро шартноманинг 3.14 банди талабларини қўпол равишда бузиб, "Текширишлар рўйхатга олиш Китоби"ни тўлдирмасдан ноқонуний текширув ўтказишгани аниқланди. Шу боис суд "Табриз" хусусий фирмаси фойдасига "Сурхондаргазтаъминот" шўъба корхонаси ва "Термизшаҳаргазтаъминот" филиали ҳисобидан солидар тартибда икки юз саксон минг сўмлик моддий зарарни ундириш, газдан фойдаланиш ҳуқуқини тиклаш, газ тармоғини улаб беришда қўлланилган бир юз эллик минг сўмлик жаримани бекор қилиш тўғрисида ҳал қилув қарорини чиқарди. Шу тариқа хусусий ошхонага "ўгай" муносабатда бўлганлар қонунга олдида жавоб беришди.

Хуллас, бир қарашда адолат қарор топгандек бўлди. Лекин газ таъминоти узилгач, ошхонадаги турли таомларни тайёрлаш жараёни қийинлашгани, қолаверса, ошхона доимий мижозларидан айрилиб қолгани, хусусий фирма раҳбарининг чеккан изтироблари ифодалашнинг иложи йўқ. Энг ёмони, газ назорати ходимларининг бундай ноқонуний текшир-текширларига мазкур ташкилотларнинг мутасаддилари бош-қош бўлишган. Иш шу даражага етганки, бир гал ошхонада газдан фойдаланишни текширишга "Термизшаҳаргазтаъминоти" филиалининг бош ҳисобчиси ҳам жалб этилган. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: бундай текширишларни атайин уюштиришдан кўзланган мақсад нима бўлган?

Хулоса ўрнида айтсак, ҳар бир тадбиркор ноқонуний текширувчиларнинг хатти-ҳаракатини дарҳол адлия идораларига маълум қилиши зарур. Ана шунда ортиқча ташвиш ва оворагарчиликдан қутилиб қолиш баробарида ўз ҳақ-ҳуқуқининг бузилишига йўл қўймайди. Зеро, тадбиркорлик фаолияти қонун ҳимоясидадир.

Тўра АЛИМАРДОНОВ,
ҳуқуқшунос

Эъзоз топган қадамжолар

ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИГИ: БУГУН ВА ИСТИҚБОЛ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, аҳоли қарамоғидаги чорва молларининг қарийб 17 фоизи Наманган шаҳри ҳисобига тўғри келади. Сиртдан қараганда, бу жуда катта кўрсаткич. Аммо шаҳарда чорва молларини боқишнинг ўзи бўлмайди. Биринчидан, мавжуд чорва ҳайвонларини боқиш учун етарли жой йўқ. Иккинчидан, аҳоли қарамоғидаги чорва моллари учун коцентрат озуқалар ажратилмайди. Шу боис тор жойда чорвачилик билан шуғулланаётган оилаларнинг аксарияти уй ҳайвонларини бозорларда сотилаётган хашак ва концентрат озуқалар ҳисобига боқишади. Бозорларда сотилаётган ем-хашакнинг нархи эса анча қиммат. Бу эса ўз-ўзидан халқ истеъмоли учун ишлаб чиқарилаётган гўшт, сут ва сут маҳсулотлари таннархининг ошиб кетишига сабаб бўлади.

Баён этилган ҳолатлардан шуни англаш мумкинки, деҳқон хўжаликларига тааллуқли муаммолар ҳали етарли. Уларни ҳал этиш учун аввало деҳқон хўжаликларига ер бериш ва микрокредитлар ажратиш масаласини соддалаштириш лозим. Чунки аҳоли зич жойлашган қишлоқларда фермер хўжаликларини ташкил этиш имконияти йўқ. Бундай жойларда янги ишчи ўринларини яратиш мақсадида юридик мақомга эга бўлган деҳқон хўжаликларини ташкил этиш кўпроқ фойда беради. Бундан ташқари, ширкат хўжаликларининг ҳисоб рақамида маблағ йўқлиги сабабли пудратчиларнинг олиши керак бўлган кунжара ва шелуха каби маҳсулотлари ёғ-мой корхоналарида қолиб кетяпти. Шу сабабли пудратчиларга тегишли бўлган маҳсулотларнинг 10 фоизини деҳқон хўжаликларига махсус дўконлар орқали сотишни йўлга қўйиш зарур. Қолаверса, деҳқон ва шахсий томорқа хўжаликларига минерал ўғит ҳамда техника хизмати кўрсатиш масаласи ҳам ислоҳотга муҳтож. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта тайёрлаш тизимини замон талаби даражасига кўтариш учун ҳам кўп ишларни амалга ошириш лозим.

Хулоса ўрнида айтсак, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида деҳқон хўжаликларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Шу боис деҳқон хўжаликларини тараққий эттириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Баҳриддин ҚИРҒИЗБОЕВ,
иқтисодчи

Diqqat, muammo!

ЭГАСИЗ ҚАРЗ

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жуда кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга ҳали бу борада ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Қува туманидаги "Наврўз" ширкат хўжалигида рўй берган воқеа бу фикрнинг исботидир.

Хўш, ҳамиша ўзининг қирмизи анорлари билан машҳур бўлган Қува туманида қандай воқеа юз берди?

Гап шундаки, тумандаги "Наврўз" ширкат хўжалигининг аъзоси З.Усмонов 2002 йил ҳосили учун 4,25 гектар майдонни ўз пудратига олади. Мазкур майдонда буғдой етиштиришга аҳд қилиб, 17-сонли шартномага имзо чекади. Икки тарафлама имзоланган шартноманинг 3, 2, 11-бандларида шартномада кўрсатилган режадан ортиқ етиштирилган маҳсулотнинг юз фоизи натура ҳолида пудратчига тегишли экани алоҳида қайд этилади. Табиийки, бу оила пудрати бошлиғи З.Усмоновнинг кучига-куч, ғайратига ғайрат қўшади. У ўз ёнига оила аъзоларини олиб, астойдил меҳнат қилади. Йил давомида буғдой парваришига зўр беради. Унинг меҳнатлари зое кетмайди. Натижа кўзлангандан ҳам зиёда бўлади. Шартномада кўрсатилган 16000 килограмм ўрнига 18400 килограмм ҳосил олинади.

Оила аъзолари, айниқса, пудрат бошлиғининг димоғи чоғ, кайфияти аъло эди. Негаки, ҳисоб-китобларга қараганда, 2400 килограмм буғдой пудратчининг омборига тушиши керак. Афсуски, пудратчи чучварани хом санаган эди. "Наврўз" ширкат хўжалигининг мутасадди раҳбарлари натура ҳолида берилиши лозим бўлган 2400 килограмм ўрнига З.Усмоновга 576 килограмм буғдойни беришади, холос. Қолган 1824 килограмм дон ширкат хўжалигининг буғдой етиштириш режасига қўшиб юборилади.

Шундан сўнг оила пудрат бошлиғи З.Усмонов вилоят адлия бошқармасига бу ҳақда ёзма равишда мурожаат этди. Вилоят адлия бошқармаси оила пудрат бошлиғи З.Усмоновнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризасини киритди.

Х.Маназаров раислигида бўлиб ўтган суд мажлисида биргина З.Усмоновга тегишли бўлган масала кўрилганда ҳеч гап эмас эди. Суд жараёнида "шартномадан ортиқча топширган буғдойни натура ҳолида ёки уни бозор баҳосидаги қийматини ундириш ҳақида"ги даъво бўйича 10 нафар оилавий пудратчиларнинг манфаати муҳокама қилинди.

Суд мазкур ишга тааллуқли бўлган барча масалаларни атрофлича ўрганди. Томонларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олди.

Суд мажлисида иштирок этган мансабдор шахслар 2002 йил ҳосили учун ширкат хўжалиги билан бошоқли дон етиштириб бериш ҳақида шартнома тузишгани, шартномадан ортиқча дон топширишгани, ширкат хўжалиги пудратчиларни ҳақдор қилиб қўйгани, лекин ҳозиргача ширкат хўжалиги натура ҳолида берилиши лозим бўлган буғдойни бермаганини таъкидлашди.

Ширкат хўжалигининг бош иқтисодчиси Турсунали Охунов ҳақиқатдан ҳам, оилавий пудрат бошлиқларидан шартномада белгиланганидан ортиқча дон қабул қилиб олингани, пудратчилар ҳақдор қилиб қўйилгани, уларга ҳар хил, яъни озиқ-овқат маҳсулотлари бериш орқали ҳисоб-китоб ишлари амалга оширилишини баён этди.

Суд ҳайъати амалдаги қонунларга асосан Фуқаролик процессуал Кодекснинг 203-207-моддаларини қўллаб қарор қилди. Унга биноан "Наврўз" ширкат хўжалигидан оила пудрат бошлиқлари М.Акбаровга 1900 килограмм буғдой учун 180500 сўм, Ф.Раҳмоновага 2532 килограмм буғдой учун 240540 сўм, Х.Ҳаитовга 1292 килограмм буғдой учун 122740 сўм, Н.Комиловга 1140 килограмм учун 108300 сўм, Б.Умрзоқовга 2432 килограмм буғдой учун 231040 сўм, С.Ғозиевга 1824 килограмм буғдой учун 173280 сўм, Ш.Сотволдиевга 5900 килограмм буғдой учун 560500 сўм, М.Усмоновага 3728 килограмм буғдой учун 354160 сўм, Б.Ҳакимовга 900 килограмм буғдой учун 85500 сўм, З.Усмоновга 1824 килограмм буғдой учун 173280 сўм ундириладиган бўлди.

Бундан ташқари, ширкат хўжалиги бош ҳисобчиси Умрзоқ Ориповдан оила пудрат бошлиқлари фойдасига 1393821 сўм устама ва жарима ундириладиган бўлди. Шунингдек, "Наврўз" ширкат хўжалигидан давлат фойдасига 445968 сўмлик, бош ҳисобчидан 289880 сўмлик давлат божи ундирилиши лозим деб топилди.

Суднинг ҳал қилув қарорини ўқиган кишида "ҳаммаси рисоладагидек жой-жойида-ку" деган фикр пайдо бўлиши мумкин.

Шу ўринда эътиборингизни яна бир муҳим нарсага қаратсак. Суднинг ҳал қилув қарорида ёзилган қуйидаги жумлалар кишини беэътибор қолдирмайди: «Суд хўжалик бош ҳисобчиси Умрзоқ Ориповни суд мажлисига таклиф қилганда, узрсиз сабаб билан судга келмади».

Хўш, бош ҳисобчи судга нега келмади? Бу саволга жавобни яна ўша ҳал қилув қарорининг ўзидан топамиз: «Суд даъво талабидан келиб чиқиб ширкатнинг мансабдор шахсларидан устама ва жарима маблағларини ундириш учун бошқарув раиси вазифасидан бўшаб кетгани учун ушбу моддий зарарларни фақат бош ҳисобчидан ундиришни лозим топади».

Шу ўринда беихтиёр халқимизнинг ажойиб матали ёдга тушади: «ишни қилган карнайчи, балога қолди сурнайчи!»

Энди бир ўйлаб кўрайлик: "Наврўз" ширкат хўжалигининг собиқ раиси барча шартномаларга ўзининг жимжимадор имзосини чеккан-у, жавоб беришга келганда нега қутулиб қолмоқда? Айтмоқчимизки, раҳбарнинг ишдан бўшаши ёки бошқа ишга ўтиши жавобгарликдан қутилиб қолишида асос бўлмаслиги керак.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: "Наврўз" ширкат хўжалигига янги тайинланган ёки сайланган раис ҳеч қачон "ўзи емаган сомса"га пул тўламайди. Унинг ҳам ўзига яраша ташвишлари ва ҳал этилиши керак бўлган муаммолари бор. Ўтган йилги буғдой пишиғида берилиши лозим бўлган салкам 22 тонна 500 килограмм буғдойни янги ҳосилдан қоплаб берадими?

Ҳамма гап ана шунда. Албатта, буни вақт кўрсатади.

Демак, таҳририят ҳам бу мавзуга яна қайтади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

АНДИЖОН

Adliya tizimi

Вилоят адлия бошқармасининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимига 45 та шикоят аризалари келиб тушган. Шундан 11 таси қаноатлантирилди, 9 таси юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилди. 14 та ариза бошқа идораларга текшириш учун жўнатилди.

Олтинкўл туманида фаолият кўрсатаётган "Яхши ният асри" фирмаси бошлиғи З.Жумабоев бўлимга ариза билан мурожаат қилиб, "Пахтабанк"нинг Чинобод бўлими томонидан бошланғич сармоя учун имтиёзли кредит ололмаётганини билдирган. Тадбиркорнинг шикоят-аризаси ўрганиб чиқилиб, "Пахтабанк"нинг вилоят бошқармасига тақдимнома киритилди ва тадбиркорга 1 миллион 500 минг сўм имтиёзли кредит ажратилиши таъминланди. Бошқармага Марҳамат туманидаги "Шухрат" кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи Т.Нуриев мурожаат қилиб, вилоят давлат солиқ бошқармаси ходими Л.Аҳмедов томонидан ўтказилган ҳужжатли текшириш натижаларига кўра туман давлат солиқ инспекцияси томонидан фермер хўжалигига нисбатан ноқонуний молиявий жарима қўлланганини билдириб, амалий ёрдам сўраган. Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратурасига тақдимнома киритилди. Туман прокуроринг протестига асосан туман ДСИнинг молиявий жарима қўллаш ҳақидаги қарори бекор қилинди.

Булоқбоши туманида "Текширишларни рўйхатга олиш китоби" мониторингини ўтказилаётгани жараёнида туман молия бўлими ходими Р.Жўраев томонидан туман универсал бозори акциядорлик жамиятида ҳеч қандай рухсатномасиз, "Текширишларни рўйхатга олиш китоби"га қайд қилмаган ҳолда текшириш тўғрисидаги аниқланиб, адлия ходимлари томонидан бу ноқонуний текшириш тўхтатилган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман молия бўлими вазифасини бажарувчи Ж.Акбаров ва иқтисодчи Р.Жўраевларни эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш ҳақида вилоят молия бошқармасига тақдимнома киритилди.

Mohiyat

МУҲИМ ҲАЁТИЙ ОМИЛ

Ҳар бир мамлакат тараққиёти жамият ҳаётини эркинлаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Таъкидлаш жоизки, жамият ривожининг турли даврларида эркинлик муаммоси ҳар хил талқин этилган. Хусусан, "Табиий эркинлик", "фуқаролар эркинлиги", "шахс эркинлиги", "ахлоқ эркинлиги" ёки "сиёсий эркинлик", "иқтисодий эркинлик" каби махсус атамалар ишлатилган.

Бугунги кунда жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаётини эркинлаштириш атамалари ҳам кенг ишлатила бошланди. Зеро, эркинлик инсон мавжудлигининг муҳим жиҳати сифатида намоён бўлади.

Эркинлик мавҳум тушунча эмас, унинг моҳиятини англаш учун аввало намоён бўлиш шарт-шароитини, инсоннинг мавжудлиги ва жамиятдаги ўрнини ҳисобга олиш лозим.

Эркинлик — ижтимоий тушунча. У инсон ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларда рўёбга чиқади. Шунинг учун ҳам жамиятдан ташқарида эркинлик бўлмайди. Жамиятда эркинликни тушуниш ва амалга ошириш мамлакатда устувор бўлган миллий, маданий, тарихий, диний ва бошқа тартиботлар, қонун-қоидалар ҳамда қадриятларга, уларнинг хусусияти, мазмунига боғлиқ бўлади. Масалан, эркинликни англаш ва уни ифода этишда Ғарб ва Шарқнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Ғарбда эркинлик тўғрисида фикр юритилганда, асосан, алоҳида олинган шахс эркинлиги ва ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда ёндашилади, эркинликка шу мезондан келиб чиқиб баҳо берилади.

Шарқда ҳам шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари ҳисобга олинади. Лекин шахс хатти-ҳаракати, хулқ-атвори, жамиятдаги ўрнини, масъулиятини идрок этиш ҳолатларига баҳо берилганда муайян гуруҳ, этнос, халқ, миллат, жамиятнинг манфаатлари, ҳуқуқларига алоҳида қадриятлар, анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ёндашилади.

Шарқнинг ўзига хос жиҳати шундаки, шахс эркинлиги ва ҳуқуқлари билан жамоада мавжуд тартиботлар, қадриятлар, анъаналар уйғунлашиб кетган. Эркинликнинг ҳозирги замонавий талқини мамлакатда ҳуқуқий, демократик, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш ғояси билан узвий боғлиқ. У шахс эркинлигини англаш туйғуси, жамият олдидаги масъулиятини ҳис этиш, англаш талаблари билан ҳамоҳангдир. Бу шахсни инсон сифатида ўз эркинлигини англашга даъват этади, унга ҳаётнинг маъно-мазмунини чуқурроқ идрок этиш масъулиятини юклайди. Шахс эркинлиги шахснинг жамият, давлат олдидаги масъулияти билан боғлиқ ҳолда эътироф этилади ва бу тегишли қонун, тартибот, меъёрлар орқали тартибга солинади.

"Менга бир нарса мукаммал равшанки, — деб ёзган эди атоқли жамоат ва давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру, — *мураккаб ижтимоий организмда шахс эркинлиги чегаралланган бўлиши керак ва ижтимоий соҳада бундай чекланиш шахс эркинлиги таъминлашнинг ягона йўли бўлиши мумкин. Кўпинча кенг маънодаги эркинликнинг манфаати учун иккинчи даражали эркинликни чеклашга зарурат туғилади".*

Шахс эркинлигини унинг дунёқараши, ички маънавий дунёси, ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларидан холи ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Эркинлик шахсга ўз ҳаётининг ҳақиқий яратувчиси, бунёдкори, ўзи ижодкор эканлигини англашга ёрдам беради. У эркинликка муносиб эканини ўз фаолияти орқали ҳам англайди. Бошқалар ҳам буни ҳис этади. Эркинликни англаш ва масъулиятни ҳис этиш туйғулари мутаносиб бўлсагина шахснинг жамиятдаги ўрни, мавқеи ҳурмат-эътибори уйғунлашади.

Хўш, шахс эркинлиги нима? Шахснинг хоҳиш-иродаси, истаги, мақсад ва манфаатлари унинг фаолиятида қандай намоён бўлади?

Эркинликка, аввало, шахснинг ўз хоҳиш-истаги, қобилияти, қизиқишига мос ҳолда ўзини намоён эта олиш имконияти, деб қараш мумкин. Инсоннинг хоҳиш-истаги, қобилияти, қизиқиши турфа хил эканлиги билан таснифланади. У чексиз. Маъно ва мазмуни, мақсади ҳам хилма-хил бўлади. Инсонда икки ҳолат, яъни бунёдкорлик билан бирга тажовузкорлик сифатларининг ҳам мавжудлигини инкор этиш қийин. Шундай экан, эркинлик ва масъулият ёнма-ён келиб, ўзаро муносабатда бўлади.

Демак, эркинлик инсон борлиғининг ажралмас қисми. Унинг моҳиятини инсон ҳаётидан, фаолиятидан қидириш керак.

Бугунги бозор муносабатлари инсон олдига янги талабларни қўяяпти. Инсон ўз борлиғини яхши билиши, ўз ички имкониятларини, салоҳиятини доимо ошириши зарур. Ижтимоий ҳаётда, айниқса, бозор иқтисоди муносабатлари шароитида инсонга бўлган талаб ортиб бораяпти. Шу талабларга жавоб берадиган инсон ҳаётда ўз ўрнини топиб олади. Акс ҳолларда инсон шунчаки бир "нарса"га айланиб қолиши ҳам мумкин. Бу эҳтимолни ҳар бир киши ҳисобга олиши, ундан сақланиш чораларини кўриши даркор. Инсон илм ўрганади, касб эгаллайди, замонавий техника, технологияни ўзлаштиради, компьютер ёки тилни ўрганиш чораларини кўради. Буларни шунчаки эмас, бугунги замон талаби даражасида эгаллаши унинг эркинлигини кафолатлайди, янги имкониятлар очади; эркин фаолият амалга ошади. Акс ҳолда инсон ўзини эркин ҳис этмаслиги мумкин. Тўғриғоғи, у шу руҳий-маънавий тобелик кайфиятидан ҳоли бўла олмайди. Бу унинг ижтимоий кайфиятига ҳам таъсирини кўрсатади. Айрим ҳолларда ўз ҳаётидан қониқмаслик билан боғлиқ ихтилофли ҳолатлар ҳам пайдо бўлади. Бунинг ёмон жиҳати шундаки, айрим инсонлар бунинг сабабини ўзидан эмас, кўпроқ жамиятдан қидиради, ўзи бунга асосий сабабчи эканини вақтида англамайди. Бу ҳол унда атрофдагилар олдида "ҳеч ким" эмасдек бир кайфиятни пайдо қилади. Унга йўл қўймаслик учун ёшликдан амалий чора-тадбирлар кўриш мақсадга мувофиқ. Буни инсон қанча эрта англаса, шунча ўзини-ўзи ҳимоя қилади ва ўзига ишонч пайдо бўлади.

Ҳар қандай нарса ташқи таъсирга ўз моҳиятига мос жавоб беради. Инсоннинг моҳияти унинг мавжудлигини белгилайди.

Инсоннинг табиатида эркинликка ҳамда ўз-ўзини ташкил этиш, тартибга солишга бўлган интилиш ётади.

Айрим нарсалар борки, у инсон ақлига, иродасига бўйсунмайди. Инсон эркинлик, эркин иродасини, интилишларини амалга ошириш учун яратилган. Инсон эркинликка интилар экан, жамиятнинг бошқа аъзоларининг эркинлиги билан тўқнашади. Бошқача айтганда, инсон эркинлиги нафақат ҳар бир инсоннинг ички табиати билан, айни пайтда ҳаётий маконда қатъий чизиб қўйилган дунё билан боғлиқ. Ҳар бир кишининг ўзига хос "эркинлик макони" мавжудки, бошқа кишининг бу маконга дахл этиши мумкин эмас.

Ҳуқуқий эркинлик ҳар бир киши ана шу макон чегарасини билган ва унга амал қилган, уни эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳис этилган жойдагина мавжуд бўлади.

Эркинлик тартиб бор жойда мавжуд, тартиб эса ҳозирги жамиятда қабул қилинган қонун-қоидалар, муайян ахлоқ қоидалари ва қадриятлар тизими орқали амалга оширилади. Яъни "Эркинлик — ҳуқуқ йўл қўйган нарсаларни бажариш ҳуқуқидир". Қонунга, ҳуқуққа асосланмаган эркинлик ва шунга мос тарздаги хатти-ҳаракат эса эркинлик эмас, балки ҳуқуқни бузишдир.

Инсон ўзини англаган сари бошқаларни ҳам англаб боради. Эркинлик фақат унгагина эмас, бошқаларга ҳам берилган. Ҳамма эркин ва муайян эркинлик майдонида фаолият кўрсатади. Аммо бу майдон ичида фаолият кўрсатаётган ҳар бир инсоннинг эркинликни англаш доираси мавжуд. У муайян мақсадлар, манфаатлар билан туташади. Шундай экан, эркинлаштиришга бугун тараққиётимиз кафолатини таъминловчи муҳим ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий омил сифатида қаралмоқда. Унинг ижтимоий ҳаётда ижобий ҳал этиб борилиши тараққиётнинг муҳим кафолати бўлиб, демократик, эркин фуқаролик жамияти қуришдек муҳим вазифаларни амалга оширишга кенг имконият яратади.

Ғофуржон МИРЗАЕВ,
тадқиқотчи

Gazetxon xat yo'llabdi

ИСЛОҲГА МУҲТОЖ КЎНИКМА

Яқинда юқори синфда ўқийдиган жияним ўзи тенги бола билан арзимаган баҳона сабаб баҳслашиб қолган. Баҳс жанжалга айланиб, иккаласи муштлашиб кетган. У боланинг олдида безорисифат бир қариндоши ҳам бирга бўлиб, у бехосдан жиянимга пичоқ билан тан жароҳати етказган.

Эҳтимол, бу воқеа бошқачароқ кечган бўлиши ҳам мумкин. Мен эшитганларимни ёзаяпман, холос. Лекин муҳими бу эмас. Хуллас, воқеа жойига етиб келган профилактика инспектори жиянимни зудлик билан касалхонага олиб боради. Воқеалар шундай кутилмаганда содир бўладики, жиянимнинг ота-оналари бўлиб ўтган мудҳиш воқеадан хабар топиб касалхонага улгуриб боргунларига қадар орадан маълум муддат вақт ўтади. Яхшики, воқеадан олдинроқ хабар топган акаси касалхонага ўз вақтида етиб боради ва иккиланиб турган врачларнинг укасини тезроқ операцияга ётқизишларини илтимос қилади. Ота-онаси ҳадемай етиб келишини, улар сўраган ҳамма нарсани муҳайё қилишини — хуллас, уларни рози қилишларини айтганидан сўнггина врачлар беморни операция қилишга киритишади. Бу орада жияним анча қон йўқотади. Аксига олиб, қони ҳам манфий группа экан. Ана энди қон қидиришни айтинг. Биронтамиз, ҳатто яқинларининг ҳам қон гуруҳимиз тўғри келмаса денг. Яхшиямки, шаҳардаги бошқа бир шифохонада шифокор бўлиб ишлайдиган қўшнимиз бу кўргуликдан хабар топиб, ишидан рухсат олиб, устидаги халати билан етиб келган. Тез-тез операция хонасига кириб, хабар олиб бизни, айниқса, онасини тинчлантириб турибди. Уч-тўрт жойга телефон қилиб, қон топиб келди. Бироқ жиянимнинг ота-онаси беҳаловат. Врачларнинг айтганини муҳайё қилишяпти.

Энг қизиғи, қариндошларим врачлар сўраган дори-дармон ва бошқа зарур нарсаларни сотиб олиш учун узоққа бориб ҳам овора бўлишмаяпти. Шу ернинг ўзида 3-4 та ҳожатбарор дорифурушлар бир зумда анқонинг уруғини сўрасангиз ҳам топиб беришяпти. Фақат пулига чидасангиз бўлгани! Яна уларни сиз билан биз киришимиз мумкин бўлмаган бўлимларга ҳам худди ўз уйларига кириб-чиққандай ҳеч қандай тўсиқсиз кириб-чиқиб юрганини кўриб, дорифурушлар врачлар томонидан қўйилган ўз одамлари эмасмикин, деган ўй-хаёлга ҳам бордик. Йўқса, улар касалхона бўлимларида бунчалик эмин-эркин ҳаракат қилиша олмаган бўлишарди. Энди буёғи бизга қоронғи.

Ҳолбуки, дори-дармонлар беморларнинг яқинлари томонидан сотиб олиб берилар экан, шу нарсани қонунийлаштириб, касалхона бўлимларининг ўзида дорихоналар очиб қўйилса, бундан истеъмолчига ҳам, давлатга ҳам фойдалироқ бўлмасмиди? Ана шунда устамон дорифурушларга кунимиз қолмас эди.

Энг ёмони, биз бундай ҳолатларга кўникиб, гўёки ўзи шундай бўлиши лозим, деган тушунчага эга бўлиб қолаяпмиз. Аслида эса ҳар бир соҳада учраётган бундай иллатларга ҳаммамиз биргаликда курашсак, бундай нуқсонлар тезроқ барҳам топади.

Равшан ИСОҚОВ,
журналист

«ОТА МЕҲРИ ЗАРУР...»

Ҳурматли таҳририят!

Газетанинг 3 июн сонида чоп этилган Жўрақул Хидировнинг "Фарзандларимнинг айби нима?" сарлавҳали хатини катта ҳаяжон билан ўқиб чиқдик. Ўйлаймизки, бу хат бошқа газетхонларни ҳам бефарқ қолдирмаган. Бунинг устига биз Жўрақул Хидировни шахсан таниймиз. У кўзимиз олдида ўсиб-улғайган меҳнаткаш йигит. Янада аниқроқ айтсак, унинг кимлигини-ю, хотини кимлигини жуда яхши биламиз.

Ҳақиқатан ҳам, у 1980 йил Ангрен шаҳрига бориб, бир қиз билан танишиб турмуш қуришди. Кўз олдимизда 15 йилча яхши яшашди. Ширинди-шакар 5 нафар фарзандли бўлишди. Кейин уларнинг ҳаётига кўз тегди. Хотини ҳар хил қилиқлар чиқара бошлади.

Охир-оқибат эса, у Жўрақулнинг бошига адоқсиз ташвишлар ёғдириб, 5 нафар бола билан Ангренга кетди.

Бизни айни дамда, бу оила, эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати эмас, балки фарзандларининг тақдири кўпроқ қизиқтиради. Чунки улар айни билим оладиган, ҳунар ўрганадиган пайтда қаровсиз қолиши келажагига таъсир қилади. Биз аёл кишимиз. Болаларни бир ўзим боқиб катта қиламан деган она, уларга ота меҳрини бера оладими?

Жўрақулни яқиндан билганимиз учун айта оламизки, биз унга ишонамиз. У болаларидан ҳамиша меҳр-мурувватини аямайдиган инсоф-диёнатли киши. Агар болалар Жўрақулга олиб берилса, уларни ҳалол, касб-корли, илмли қилиб тарбиялашига ишончимиз комил.

Бир гуруҳ аёллар номидан Розия АБДУЛАЗИЗОВА,
Махсатой ҲИДОЯТОВА

Farmon va ijro

ИНСОНИЙ БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Халқимиз азалдан савоб ва эзгулик тарафдори бўлиб келган. Бу қадимий қадрият истиқлол йилларида янада жонланиб, ўзининг ижобий жиҳатларини намоён этмоқда. Бу ҳол Президентимизнинг бағрикенглиги ва олижаноблиги намунаси бўлган жиноят йўлига кирган шахсларни авф этишда янада яққолроқ кўзга ташланмоқда. Зеро, Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонлари жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш ва уни мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хўш, мазкур фармонларнинг ижроси қандай кечмоқда? Бу савол Сергели тумани прокуратураси ходимларининг доимий диққат-эътиборида турибди.

Маълумот учун айтадиган бўлсак, шу йилнинг биринчи чорагида туман бўйича 32 нафар шахсга нисбатан тергов даврида амнистия акти қўлланилиб, улар жазодан озод этилган. Шунингдек, 241 нафар жазо муддатини ўтаётган шахсларга амнистия актини қўллаш ҳақида прокурор санкцияси берилган бўлиб, уларнинг 196 нафари жазодан озод қилинган, 45 нафарининг эса жазо муддати қисқартирилган. Жазодан озод этилган шахсларнинг 25 нафари аёллар ва 8 нафари вояга етмаганлардир.

Туманидаги 74 та корхона ва ташкилотларда ижтимоий ҳимояга муҳтож шахслар учун 789 та иш ўринлари яратилган бўлиб, шундан 80 та иш ўрини жазо муддатини ўтаб қайтган шахслар учун мўлжалланган. Ҳозирда ушбу иш ўринларидан 40 таси бўш турибди.

Туман ҳокимиятининг Ижтимоий кўникма Маркази томонидан авф этилган 43 нафар шахсга 1.110.220 сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, мутасадди ташкилотлар томонидан собиқ махбусларнинг паспортларини тиклаш, ишга жойлаштириш, касалликка чалинганларни шифохоналарга юборишга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Маълумки, жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахсларни ижтимоий жиҳатдан ҳаётга мослаштиришнинг энг муҳим шартларидан бири уларни ишга жойлаштириш, фойдали меҳнатга жалб қилиш бўлиб ҳисобланади. Бироқ бу борада амалга оширилган ишларни қониқарли деб бўлмайди. Чунки собиқ махбусларнинг 26 нафари ишга яроқли деб топилган бўлса-да, уларнинг атиги 5 нафаригина ишга жойлаштирилган, холос. Шунингдек, «Амнистия тўғрисида»ги Фармон асосида жазони ўташ жойларидан озод этилиб, туман ИИБда рўйхатга олинган шахслар билан профилактик тадбирларнинг олиб борилиши ҳам талаб даражасида ташкил этилмаган. Хусусан, профилактика инспекторлари томонидан амнистия акти асосида озод этилган шахслар учун юритган профилактика йиғма жилдларининг биронтасида ҳам ишга кирган шахслар ҳақида корхоналардан расмий маълумотлар олинмаган. Улар хўжакўрсинга юритилган.

Хулоса ўрнида айтсак, "Амнистия тўғрисида"ги Фармонлари ижросини амалга ошириш мутасадди идоралар олдида турган долзарб ва масъулиятли вазифа ҳисобланади. Зеро, йўлдан адашганларга ёрдам бериш, уларнинг турмуш тарзи ва ҳаётларининг қайта изга тушиб кетишига кўмаклашиш одамийликка хос эзгу бурчлардан биридир.

Президентимизнинг бағрикенглиги ва олижаноблиги боис кўплаб адашган фуқаролар ўз оиласи ва тинч ҳаёт бағрига қайтмоқда. Бундай бағрикенглик ва тантилик улар ҳаётида ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Чунки улар эзгулик туфайли янгича ҳаёт бошлашмоқда. Энди улар ҳалол меҳнат қилиб, оиласи, қариндош-уруғлари, маҳалла-кўй, эл-юрт олдида айбларини ювиши тайин. Зотан, яхшилик ҳамиша яхшилик олиб келади.

Муқимжон ЭГАМБЕРДИЕВ,
ҳуқуқшунос



Эъзоз топган қадамжолар

Taassuf va taajjub

Чирчиқ шаҳридаги 16 уйнинг 64-хонадонида яшовчи эр-хотин Илёсовлар Қримга кўчиб кетиш олдидан ўзларининг турар жойини танишлари Тамилла Эргашевага сотишга қарор қилишди. Т.Эргашева 1995 йил 28 апрел куни уйни укасининг қайниси Равшан Йўлдошев номига расмийлаштирди. Уй олди-сотдиси тўғрисидаги ишонч қоғозини эса ўзида қолдирди. Уйда Тамилланинг укаси Шоир оиласи билан яшай бошлади.

ОМОНАТГА ХИЁНАТ

ЁХУД УЙ МОЖАРОСИ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

Орадан икки йил ўтгач, Равшан Йўлдошев ўзининг номига расмийлаштирилган уйни имижимида пуллаш пайига тушиб қолди. Ғарчи унинг қўлида мазкур уйга тегишли бирор ҳужжат бўлмаса-да, асли чимкентлик Баҳром Мирёқубовга уйни сотиб юборди. Шу тариқа омонатга хиёнат қилинди.

Бу орада М.Илёсов вафот этгач, қонунга мувофиқ уй олди-сотдиси тўғрисидаги ишонч қоғози ўз кучини йўқотди. Шу боис Тамилла турмуш ўртоғи билан Қрим Автоном Республикасининг Нижнегорск вилоятида истиқомат қилаётган Сожида Илёсованикига сафарга отланди ва унга вазиятни тушунтирди.

Шундан сўнг Нижнегорск Давлат нотариал идораси нотариуси Л.Т.Козлова имзоси билан «серия ААЕ 188224» рақам билан 1997 йил 17 июн куни Эргашева Тамилла Исломовна номига халқаро талабларга мос келадиган ишонч қоғози берилди. Шунга асосан Чирчиқ шаҳар нотариал идораси томонидан 1998 йил 12 майда Сожида Илёсова мерос эгаси сифатида тан олинди.

Ишнинг бу тарзда давом этиши, албатта, Равшан Йўлдошевни қониқтирмасди. Шунинг учун у "ётиб қолганча отиб қол", деган нақлга амал қилиб, 1998 йил 24 августда Чирчиқ шаҳар судига ариза билан мурожаат этиб, 1995 йил 28 апрелда Илёсов Мансур ва унинг ўртасида ўзаро олди-сотди келишувини қонуний деб топишни сўради.

Шу ўринда бир савол туғилади: хўш, муддати ўтиб кетган ишонч қоғозидаги келишувни қонуний, деб топиш нимага керак бўлиб қолди? Шунингдек, нима учун янги ишонч қоғози Т.Эргашева номига берилганини суд жараёни давомида била туриб, ишга аниқлик киритиш учун судья тўхтатмади?

Албатта, бу ўринда суднинг бирор-бир ҳаракатини шубҳа остига олаётганимиз йўқ. Лекин масалага аниқлик киритилганда эди, томонлар қайта-қайта судга мурожаат қилмаган бўлармиди? Ахир, суднинг ҳам мақсади ҳақиқатни юзага чиқариш эмасми?

Афсуски, 1999 йил 21 январ куни Чирчиқ шаҳар суди Р.Йўлдошевнинг даъвосини қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқарди.

Кишини ҳайратда қолдирадиган томони шундаки, Р.Йўлдошев ҳақиқатдан ҳам уйнинг эгаси экан, ишонч қоғози қўлида экан, қарийб 3 йил давомида ҳужжатлаштирса бўларди-ку?

Р.Йўлдошев суд қарорида ҳам кўнгли таскин топмади шекилли, Чирчиқ шаҳар судига С.Илёсова ва Чирчиқ шаҳар нотариал идорасига нисбатан олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ва мерос ҳуқуқини бекор қилиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

КОРРУПЦИЯ: ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

"Коррупция" сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, сотиб олиш, сиёсий жамоа арбобларининг лавозимини суиистеъмол қилиши деган маънони англатади. Ҳуқуқшуносликда ушбу термин порахўрлик билан боғлиқ жиноятларга нисбатан қўлланилади. Шу билан бирга бу борада ҳар бир мамлакат қонунчилигида ўзига хос ёндашув мавжуд. Хусусан, АҚШ ва Буюк Британия Жиноят Кодексида давлат хизматчисини пора эвазига оғдиргани учун ўта баҳсли жиноий жавобгарлик меъёрлари белгиланган. Чунки мазкур мамлакатлар қонунчилигида пора предмети анча кенг талқин қилинган. Бунинг устига фақат жисмоний шахслар эмас, балки юридик шахслар ҳам коррупция учун жавобгарлик субъектлари деб топилади. Бироқ жазо чоралари эса Ғарбий Европадагига қараганда, бироз енгилроқ.

АҚШ ва Буюк Британия жиноят қонунига биноан жамоат ташкилот хизматчилари, яъни мансабдор шахслар ҳам, бошқа ходимлар ҳам пора олганлик учун жавобгарликка тортилади. Масалан, АҚШ қонунлар тўпламининг 201-бандига мувофиқ қуйидагилар пора олиш субъектлари ҳисобланади: оммавий мансабдор шахслар (АҚШ Конгресси аъзолари, ижро этувчи ҳокимият идоралари хизматчилари, маслаҳатчилар ва ҳоказо).

Европа давлатларида бўлгани сингари АҚШда ҳам пора ҳақида келишилган пайтдан эътиборан амалда пора берган ёки бермаганидан қатъи назар, жиноят тамом бўлган деб топилади. Англия қонунларига ("Жамоа ташкилотлардаги порахўрлик тўғрисида"ги (1889 йил), "Коррупциянинг олдини олиш тўғрисида"ги (1906 ҳамда 1916 йил) қонунларга мувофиқ ўзи ёки бошқа шахс билан биргаликда пора эвазига оғдириш мақсадида жамоат ташкилоти аъзоси ёки хизматчисини бирон-бир масала ёки битимга нисбатан нимадир қилиш ёки қилмасликка даъват этиш воситаси сифатида ўзи ёки бошқа шахс учун совға, қарз, гонорар, ҳақ ёки имтиёз беришни товламачилик йўли билан талаб қилувчи, олувчи ёки олишга рози бўлган шахс пора олишда айбдор деб топилади. Пора олишдан илгариги келишув Англия суд амалиётида "коррупция келишуви" деб аталади. Моддий ҳақ берилишидан илгариги келишувнинг исботлангани ҳам, хизмат кўрсатилганидан сўнг ҳақ олингани ҳам жиноятни таснифловчи белгилар бўлиб хизмат қилиши мумкин. Масалан, АҚШ жиноят қонунида ижтимоий хавфи катта бўлган порахўрлик (биринчи даражали хизматчини пора эвазига оғдириш) деганда, бирор-бир шахснинг ишини тергов қилиш, уни қамоққа олиш, ушлаш, таъқиб қилиш ёки қамоққа олиш масалаларини ҳал қилувчи мансабдор шахсларнинг таъмагирлиги назарда тутилади.

АҚШ қонунлари тўпламининг 201-бандига мувофиқ АҚШга қарши фирибгарлик ҳаракатларини содир этиш ёки содир этишга йўл қўйиши учун мансабдор шахсга таъсир кўрсатиш мақсадида уни пора эвазига оғдириш; мансаб мажбуриятларини бузишга оғдириш жазони оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Масалан, Конгресс аъзоси, Колумбия федерал округи вакили, Конгреснинг доимий комиссияси аъзосини ҳукумат манфаатларига дахлдор масалаларни ҳал қилиш учун пора эвазига оғдириш (АҚШ қонунлар тўпламининг 203-банди), бирор-бир шахсга лавозим ёки АҚШ давлат хизматидан жой олиб бериш учун ёрдам ёки ўз таъсирини ваъда қилиш эвазига моддий ҳақ ёки пул маблағ олиш (қонунлар тўпламининг 211-банди), банк хизматчиси шахсга, фирмага ва корпорацияга кредит берилишида ёрдам кўрсатилгани учун пора олиши (215-банди), Конгресс ҳужжатига мувофиқ ажратилган пулларни Конгресс рухсатсиз Конгресс аъзосининг фикрига таъсир кўрсатиш мақсадида бирон-бир хизматга ҳақ тўлаш учун ишлатиш алоҳида жиноят таркибларига ажратилган.

Англия қонунларида эса давлат аҳамиятига молик битимларни тузиш жараёнида хизматчини пора эвазига оғдириш ("Мукофотларни суиистеъмол қилишнинг олдини олиш тўғрисида"ги 1925 йил қонун), судьялар ва суд амалдорларини пора эвазига оғдириш (умумий ҳуқуқ), лавозим ёки ҳар қандай ёлланма ишни олиш мақсадида порахўрлик («Лавозимларни сотиш тўғрисида»ги 1809 йил қонуни 1967 йилги «Жиноят ҳуқуқи тўғрисида»ги қонун таҳририда) учун жавобгарлик тўғрисидаги махсус меъёрлар мавжуд.

АҚШ ва Буюк Британия қонун ҳужжатларида пора тушунчаси анчагина кенг англашилади. Мисол учун айтсак, Англия жиноят ҳуқуқига биноан пора "совға ёки қимматга эга бўлган бирон нарса"дир. Калифорния штати Жиноят Кодексининг 7-бандида пора тушунчасига "бирон-бир моддий қимматга эга нарса ёки имтиёз" деб изоҳ берилган. Аммо АҚШ Наркотик моддалар ва ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги Жиноят Кодексида "манфаат" ва "мулкий манфаат" тушунчалари алоҳида-алоҳида талқин этилган. Хусусан, манфаат деганда "наф ёки имтиёз ёхуд наф кўрувчи шахс наф ёки имтиёз деб қаровчи бошқа бирон нарса" тушунилади. Мулкий манфаат деганда эса "асосий моҳияти иқтисодий наф кўришдан иборат бўлган" манфаат назарда тутилади. Бунда порахўрликнинг баъзи бир таркибларида пора предмети фақат мулкий манфаатдан иборат бўлиши, бошқаларида умумий манфаатдан иборат бўлиши мумкин. Масалан, суд ёки маъмурий иш юритувчи масалани ҳал қилгани учун олинган, оммавий хизматчи ёки партиянинг мансабдор шахси бирон-бир юридик мажбуриятни бузиш натижасида кўрган ҳар қандай манфаат пора деб топилади. АҚШ қонунлар тўпламида фақат моддий қимматга эга нарса пора предмети деб ҳисобланади.

АҚШнинг алоҳида штатлари жиноят қонунларида хизматчини пора эвазига оғдиришда пора миқдори қилмишни таснифлашга таъсир кўрсатади. Бир қатор ҳолларда пора миқдорига қараб порахўрликнинг даражаси аниқланади.

Яна шуни айтиш керакки, АҚШ ва Буюк Британия қонунларида коррупция учун белгиланган жиноят ҳуқуқий санкциялар ҳам бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга. Англия умумий ҳуқуқида порахўрлик учун жарима ёки икки йилгача қамоқ жазоси тайинланиши назарда тутилган. Статут ҳуқуқига биноан порахўрлик узоқ муддатга ("Жамоат ташкилотларида порахўрлик тўғрисида"ги 1889 йил қонунига мувофиқ 7 йилгача) қамоқ жазоси, шунингдек, олинган совғалар, қарз, гонорар ёки ҳақ қиймати ёки баҳосини жамоат ташкилотларига қайтариш, оммавий лавозимга сайланиш ёки тайинланиш ҳуқуқидан 5 йил муддатга маҳрум этиш, оммавий лавозимни эгаллашга лаёқатсиз деб топиш (агар жиноят такроран содир этилган бўлса), сайловчи сифатида рўйхатдан ўчиш ёки парламент ва бошқа жамоат ташкилотига сайловларда овоз бериш ҳуқуқидан 5 йил муддатга маҳрум этиш, пенсия ёки компенсация олиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан жазоланиши мумкин. Санкцияларнинг юқори чегараси процессуал шаклга боғлиқ бўлади: мансабдор шахси ваколатлари доирасида муайян ҳаракатни бажаришга ёки бажармасликка пора эвазига оғдириш учун, агар иш маслаҳатчилар судида кўрилган бўлса, 7 йилгача ва судда иш юритув суммар усулда амалга оширилган бўлса, 6 ойгача қамоқ жазоси тайинланиши мумкин. Шунингдек, қонунчиликда жарима ва озодликдан маҳрум қилиш муқобил жазо тариқасида ёки ҳар иккиси ҳам тайинланиши кўзда тутилган.

АҚШнинг алоҳида штатлари жиноят қонунларида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган порахўрлик учун анча қаттиқ жазолар белгиланган. Масалан, "А" туркумли жиноятда айбланаётган шахснинг ишини тергов қилиш, уни ҳибсга, қамоққа олиш, айблаш ёки жамиятдан ажратиш жараёнига таъсир кўрсатиш мақсадида хизматчини пора эвазига оғдириш учун 25 йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Ваҳоланки, федерал қонунга биноан пора олиш ёки бериш 10 минг АҚШ долларигача жарима ва (ёки) 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кўриниб турибдики, АҚШ ва Англияда пора эвазига оғдириш учун белгиланган жавобгарлик турлари жуда кўп бўлиб, Европа давлатларидаги айни шундай меъёрларга нисбатан баҳсли хусусиятга эгадир.

Кумри АБДУРАСУЛОВА,
ҳуқуқшунос

Nadomat

Мамлакатимиз Конституциясида ота-оналар ўз фарзандлари вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлари ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбур эканликлари уқтирилган. Афсуски, гоҳо ҳаётда ота ва фарзанд ўртасида келиб чиққан низолар ҳам учраб турадики, бунга асло эътиборсиз қараб бўлмайди.

МУРУВВАТНИ УНУТГАН ОТА

...Оилага кўз тегди. Йўқса, Каримбой ва Марямлар бинойидек турмуш кечирарди. Саида, Мунира, Меҳриддин, Дониёр исмли бир-биридан ширинтой фарзанлар кўришди. Оиланинг топар-тутари жойидалиги боис "ГАЗ-24" ва "Москвич" автомашиналари, бошқа қимматбаҳо жиҳозлару уй анжомларига эга бўлдилар. Фарзандлар камолотидан ота-она орзулари гул оча бошлади.

Таассуфки, ҳаётда оқ билан қора доимо бирга юраркан. Чекилган шунча йиллик заҳматли меҳнатлару югур-югурлар мевасини энди тотаман, деганида, Марям опа ҳаётдан бевақт кўз юмди. Ўша мудҳиш кун — 2000 йилнинг 23 сентябри оиланинг бутун ҳаётини остин-устун қилиб юборди. Фарзандларнинг кўз ёшлари қуримай, ота Норжон исмли бошқа аёлга уйланди. Дастлаб болаларга меҳрибондек кўринган ўгай она оила пастбаландини англаб олгач, уларни турткилай бошлади. Толесизликни қарангки, ақл-ҳуши жойида бўлган Каримбой ҳам хотинининг гапига учиб, дилбандларининг меҳр-мурувват илинжида жовдираб турган кўзларига қайрилиб боқмади. Кун ўтган сари дўқ-пўписа, ситам ва ҳақоратлар кучая борди. Ниҳоят, жоҳил ота ва бемеҳр она зулмидан тўйган фарзандлари болаликнинг беғубор онлари кечган хонадонни тарк этишди. Момоси, холалари ва бошқа яқин қариндошларининг уйида ҳар тонгни тирмалаб-тирмалаб оттира бошладилар.

Ўғил-қизларининг саргардонликдаги ҳаётлари Каримбойга заррача кор этмади. Ориятсиз вужуд қайтага ўзини енгил ҳис қила борди. Фақат қизи Саиданинг аччиқ ва аламли сўзлари, дадил ҳаракатлари уни бироз ўйлатиб қўйди. Аммо у кўзларини қаттароқ очиб, фарзандларини ўз бағрига қайтариш ўрнига хўжаликлари ҳудудида ўзи яшаб турган уйни зудлик билан синглиси Муҳаббат Ҳайитбоева номига ҳадя шартномаси билан расмийлаштирди. "ГАЗ-24" автомашинаси олдиндан ўзга шахс номида эди. Шу боис навбат "Москвич-412" автомашинасига етди. Шумликни ният қилган ота дарров бунинг ҳам йўлини топди. Нотариал идорасига борди-да, машинани шартта укаси Низомиддин Ҳайитбоев номига ўтказиб олди.

Ота ўз "ғам-ташвишлари" измида экан, фарзандлари ҳоли нима кечди, дерсиз?

Тўрт нафар фарзанд қайга сиғарди?!. Саида вояга етиб қолган қиз эмасми, отасининг мурувватсиз йўлидан ўксиниб, йиғлади-сиқтади. Охир-оқибат, фуқаролик ишлари бўйича Беруний туманлараро судига туман нотариал идорасининг уй-жой ва енгил автомашиналарни бошқа шахсларга ҳадя қилиш ҳақидаги шартномасини бекор қилиш ҳамда ўзи ва укаларига тегишли бўлган мол-мулкларни ажратиб бериш ҳақида ариза ёзди. Ариза суд мажлисида кўриб чиқилиб, даъвогар талаблари тўлиқ қаноатлантирилди. Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, Каримбой Ҳайитбоевлар яшаётган уйнинг бир қисми ва тегишлича мол-мулклар Саида Ҳайитбоевага ажратиб берилади. Шу тариқа суд ижрочиси Ҳамид Жумабоев ўз гуруҳи билан қора кўз фарзандлар улушини бўлиб бериш мақсадида ишга тушди. Аммо иш у ўйлаганчалик осон кўчмади. Каримбой Ҳайитбоев суд қароридан норози бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Олий судига кассация тартибида ариза йўллади. Олий суд Беруний туманлараро судининг ҳал қилув қарорини қисман ўзгартишлар билан ўз кучида қолдирди.

Ҳойнаҳой, ношукр ота энди тинчибди-да, деб ўйлаётгандирсиз. Йўқ, янглишасиз. Каримбой Ҳайитбоев суд қароридан норози оҳангда ҳалиҳамон югуришда давом этмоқда. Тўғри, бу унинг ҳуқуқи. Аммо гапнинг индаллосини айтганда, бўлар-бўлмасга ўз жигарпораси билан ҳуқуқ тортишиш, унга қонун белгилаб берган уй-жой ва мол-мулкни ҳам раво кўрмаслик инсофданмикин?..

Ота — оила бошлиғи, фарзанд тарбиячиси ва ғамхўри. Фарзанд ҳар қандай дамда отага суянади. Орамизда ўз жигарбандини кўчага ҳайдаб, у билан мулк талашиб юрган оқибатсиз оталарнинг борлиги жуда аламлидир. Нима ҳам дердик: бундай оталарга Яратганнинг ўзи инсоф берсин.

Нурилла ЙЎЛДОШЕВ,
ҳуқуқшунос

Тошкент Давлат Юридик институти 2003-2004 ўқув йилида магистратурада ўқиш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— "Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи";
— "Давлат ҳуқуқ ва бошқаруви; маъмурий ҳуқуқ; молиявий ҳуқуқ";
— "Фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ";
— "Хўжалик ҳуқуқи; хўжалик жараёни";
— "Меҳнат ҳуқуқи; ижтимоий таъминот ҳуқуқи";
— Қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи; ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; экология ҳуқуқи";
— "Жиноят ҳуқуқи; криминология; ахлоқ тузатиш, меҳнат ҳуқуқи";
— "Жиноят жараёни; криминалистика ва оператив қидирув ҳуқуқи; суд экспертизаси";
— "Халқаро ҳуқуқ";
— "Суд тизими: прокурор назорати, адвокатура";

Маълумот учун телефон: 132-05-80
ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ

Qutlov

УМР МАЗМУНИ

Пойтахтда туғилиб ўсган Тўлқин Юсупов ҳуқуқшунослик дипломини қўлга олгач, йўлланма билан қадимий Шаҳрисабзга ишга борди. Шаҳар прокурори қаттиққўл ва талабчан экан. Шу боис ёш терговчи ишда тез тобланди. Одамлар ўртасида қадр топди. Орадан кўп ўтмай янги Сирдарё вилояти ташкил этилди. "Тошкентга яқин, ўша ёққа кўчсакчи...", — деб қолди шунда рафиқаси Дилбархон. Тўлқиннинг кўнглидан ҳам шу фикр ўтиб турарди. Қолаверса, истеъдодли кадрлар янги вилоят учун сув ва ҳаводек зарур. Шундан сўнг Тўлқин Янгиер шаҳар прокуратурасига ишга ўтди. Шаҳрисабз билан Янгиернинг ўртасида осмон билан ерча фарқ бор экан. Лекин инсон шароитнинг қули. Бошга тушганини кўз кўраверади. Ҳар қандай шароитга кўникиш мумкин.

Улар ҳам кўникишди. Ҳали айтганимиздек, Янгиер кенггина жой, иш тиғиз бўлмаган кунинг ўзи йўқ. Беш йил ана шу зайлда кечди. Бу ерда Тўлқин ҳам жисмонан, ҳам руҳан улғайди. Малакаси ортиб, тажрибали мутахассисга айланди. Шунда тақдир уни ва оиласини Фарғона водийси томон йўллади. Бу гал уларга Қўқон макон бўлди. Бироқ бу шаҳарда бир йилдан ортиқ қолишмади. Тақдир тақозоси билан Риштонга равона бўлишди.

Бу ерда Тўлқин ака туман прокуратурасида терговчи бўлиб иш бошлади. Ўтган йиллар мобайнида қанчадан-қанча жиноятчиларни қонуний жазога тортди.

Риштон туман судининг раиси лавозимида ишлаб юрган кезларида ҳам ҳамиша адолат томонда бўлди.

Йиллар ўтиб, тақдир йўллари уларни яна Қўқон сари бошлади. Тўлқин ака икки муддат Қўқон шаҳар суди раиси вазифасида фаолият юритди.

Ниҳоят, орзиқиб кутилган кунлар келди. Тўлқин акани она шаҳри Тошкент яна ўз бағрига чорлади. Дилбар опа ўн ёшга яшаргандек бўлди. Тошкентга кўчиб келишди.

Тўлқин ака Тошкент туман судининг раиси лавозимида анча йиллар ишлади. 1995 йил эса Республика Олий хўжалик судининг судьяси лавозимига сайланди. 2000 йилда яна қайта сайланди. У бу ерда ҳам ўзининг ўрнини топди. Истиқлол шарофати билан ҳаётимизда туб ўзгаришлар содир бўлди. Хўжалик ишлари авж олиб кетди. Шунингдек, низоли масалалар ҳам. Иш кўп, судья кадрлар эса тақчил. Тўлқин ака сингари малакали судьяларнинг бошини қашишга қўллари тегмайди. Хўжалик низоларига оид ишларни кўришда суд соҳасидаги йиғилган бой тажриба қўл келади, албатта. Одил судлов ва ташкилотчилик масалаларини ечишда фаоллик кўрсатиб кўпчиликнинг ҳурматини қозонди.

Тўлқин ака Олий Хўжалик судида судья бўлиб ишлаши билан бирга Пленум ва Раёсат Котибиятининг бошлиғи ҳам. "От изини той босар", деганларидек, Э.Муҳамедова, А.Файзиев, Д.Раҳимов сингари кўплаб шогирдлари устоз ишончини оқлаб, ҳуқуқ соҳасида фаол хизмат қилишаётир.

Мавриди келганда айтиб ўтиш жоизки, Тўлқин ака ишхонадагина эмас, балки маҳалла-кўй орасида ҳам ўз ўрнига эга. Дилбар опа иккиси аҳил умргузаронлик қилишиб яхши фарзандларни тарбиялаб ўстиришди. Қизлари Азиза – шифокор, Ақида – ўқитувчи, Озода ва Дилдора тарбиячи, ўғли Дилшод отаси каби ҳуқуқшунос.

Унинг оиласи маҳаллада бобрў хонадонлардан бири. Кўни-кўшнилар Тўлқин акани жуда эъзозлайди. Ҳуқуқий муаммо чиқиб қолса, улар дарҳол Тўлқин аканикига чиқишади. Тўлқин ака маҳалла ободончилиги, тўй–маракаларда фаол иштирок этади.

Хулоса ўрнида айтсак, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, 1-тоифали судья, ажойиб инсон Тўлқин Юсупов ҳаёти ёшлар учун ибрат мактабдир. Бу мактабдан кўп сабоқ олиш мумкин

Шарофат ИСКАНДАР,
журналист

Пойтахт манзаралари

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: А. ЖУМАЕВ

Qilmish-qidirmish

СИМ ЎҒРИЛАРИ

Ёки ёмонга яқин юрсанг қораси юқар

Асакалик Ойбек Аҳмаджонов икки марта судланиб, Президентимизнинг «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига биноан жазодан озод қилинган эди. Аммо у бундай бағрикенглик, кечиримлиликка муносиб киши эмас экан. Аниқроқ айтганда, у яна жиноят кўчасига кириб, бу сафар ўзига вояга етмаган ёшларни шерик қилиб, уларни ҳам ўғирлик кўчасига бошлади.

Қиш кунларининг бирида у маҳалладошлари — вояга етмаган Ҳасанбой Дотхобоев, Нозимжон Омонбоев, Азизбек Эгамовларни ўғирликка етаклади. Улар Асака туманидаги "Шарқ ҳақиқати" ширкат хўжалиги ҳудудидаги электр узатиб турган симларни талон-тарож қилишди. Улар 600 метр ўғирланган симни Ойбек Аҳмаджоновнинг уйига олиб бориб яшириб қўйишди. Ойбек эса уни бир ой давомида уйида сақлаб, ҳамқишлоғи Нурмуҳаммад Тошпўлатовга ўғирлик эканини айтмасдан қиммат нархда сотиб юборди. Пулни эса шериклари билан ўзаро бўлишиб олишди.

Текин пулга ўрганган жиғилдон текин даромадни қумсайверади. Ойбек яна ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, баҳор кунларининг бирида ҳамтовоғи, муқаддам судланган Зафар Отақулов ва вояга етмаган Ҳасанбой, Нозим, Илёсбекларни ёнига олиб, ўғирликка боришди. Бўзарин ва Чек қишлоқлари ўртасида жойлашган дала майдонларидаги симёғочлардан яна 600 метр симларни ўғирлашди. Унга 300 метр симни қўшиб, вояга етмаган Нозимжон Омонбоевларнинг ҳали қуриб битказилмаган уйига яшириб қўйишди. Ойбек жами 900 метр симни уйига олиб келиб яна ўша Нурмуҳаммад исмли ҳамқишлоғига сотиб юборди.

Сим ўғрилари ўзларининг бундай "бизнес"ларини давом эттириб, ёз кунларининг бирида тунги соат 22 ларда "Ўзнефтгазалоқа" миллий холдинг компаниясининг Полвонтош бўлими тасарруфида бўлган 280 метр, бозор баҳоси 30800 сўмлик симларни ўғирлаб кетаётганларида милиция ходимлари томонидан ушланди.

Президентимиз томонидан авф этилган, лекин берилган имкониятдан фойдаланиб, тўғри йўлга тушиб ололмаган Ойбек Аҳмаджонов, Зафар Отақуловлар энди хавфли рецидивист деб топилди ва суд қарори билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Вояга етмаганлар Нозимжон Омонбоев, Азизбек Эгамов, Ҳасанбой Дотхобоев, Илёсбек Ҳайдаровларга уч йил синов муддати белгиланди.

Хўш, бу ўғирликлар нега содир этилмоқда? Аввало, жойларда мутасадди идоралар муқаддам судланганлар, амнистия туфайли жазони ўташ муассасаларидан келган собиқ маҳкумлар билан олиб бораётган ишлари кўнгилдагидай эмас. Улар кўп ҳолларда фойдали меҳнатга жалб этилмай, ўз ҳолига ташлаб қўйилганидан яна ўғирлик ва жиноят кўчасига кириб қолишмоқда. Бу ҳақда шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари, кенг жамоатчилик, маҳалла қўмиталари жиддийроқ ўйлаб кўришлари лозим. Вояга етмаган ёшлар ўртасида ҳам ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўйича уларни бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари, ҳар хил жиноятчи унсурлар таъсирига тушиб қолмаслиги учун ота-она, мактаб ва жамоатчиликнинг назоратини кучайтириш зарур. Зеро, ёшлар бизнинг келажагимиз. Уларни ҳалол, инсонпарвар қилиб тарбиялаш эса ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Муҳайё ТУРДИЕВА,
ҳуқуқшунос
Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Jinoyat tarixi

Ҳаётда турфа хил одамлар учрайди. Энг қизиғи шундаки, фирибгарлик, товламачилик орқали содда ва ишонувчан одамларни лақиллатиб, пулини олишнинг ҳам минг битта йўли бор экан. Бунинг устига бундай очиқ-ошкор талончилик одатда ҳамманинг кўз ўнгида, куппа-кундузи рўй бериши кишини баттар ҳайратга солади.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ФИРИБГАР!

Айтайлик, кўчада кетаётган пайтингиз ногаҳон ўзини фолбин чоғлаган қандайдир аёл тўсатдан йўлингизни тўсиб, шошилмасдан гапга солади:

"Кўзларингда мунг, юрагингда дард кўряпман... Яқин одамнинг билан урушиб қолгансан. Бу йўқотишдан қўрқяпсанми? Сенга кўз теккан. Лекин мен сенга ёрдам бермоқчиман. Сариқ чақанг ҳам керак эмас. Ҳаммасини худо йўлига қиламан. Ўзинг ҳам менга ёқиб қолдинг".

Соддадил одам юракка тегадиган бундай сўзларни эшитиб, табиийки, шамдай қотиб қолади. Буни сезган товламачилар эса баттар ҳунарини кўрсата бошлайди. Қарабсизки, бир пасда сиз унинг бутунлай таъсирига тушиб қоласиз. Оқибатда эса бир зумда бор-йўғингиздан айрилишингиз ҳеч гап эмас.

Ҳаётда шунга ўхшаш воқеа-ҳодисалар онда-сонда бўлсада, учраб туради. Бир ҳамкасбим фирибгар фолбинга ишониб ўзининг тилла узуги ва тақинчоқларидан ажралиб қолган. Ҳайрон қоладиган жиҳати шундаки, бу фирибгарлар унча-мунча ўқимишли кишиларни ҳам қойилмақом тарзда лақиллатиб, ахмоқ қилишади.

Фирибгарликнинг бундай тури ҳақида "Труд" газетаси шундай ёзади:

Яқинда икки лўли қиз «ҳе йўқ, бе йўқ» обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага эга бўлган тверлик жамғарма банки бошқарувчисини "чув" тушириб кетишди. Унинг соддадиллигидан фойдаланиб нақд 70 минг АҚШ долларини қўлидан қуртдай санаб олишди.

Москвалик 30 ёшли аёлни лўлилар сенга амал беришган, деб шунчалик ишонтиришганки, охир-оқибат у лўттибозларнинг руҳий таъсири остида йиққан-терган мол-дунёсини уларга ўз қўли билан олиб келиб берганига нима дейсиз?!.

Бир соатдан сўнг хушига келган аёл гипноз ҳолатида рўй бериб ўтган воқеаларни чала-ярим эслаган. Милиция ходимлари эса товламачиларнинг излариниям топишолмаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, замонга қараб афсунгар ва фолбинларнинг "иш услуб"лари ҳам ўзгариб борар экан. Бундай кимсалар баъзан тап тортмасдан ўзларини ижтимоий таъминот, коммунал хўжалиги хизмати ходимлари "ниқоби"да уйларга кириб, "амал олиш", "кўз текканидан халос қилиш" каби "хизмат"ларни амалга оширмоқда.

Москва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари бир ойда ўртача 20 дан ортиқ ана шундай воқеа содир бўлганини аниқлагани ҳам вазиятнинг нечоғли жиддий эканини кўрсатади.

— "Лўлилар гипнози" - нисбий тушунча, — дейди медицина фанлари номзоди Алексей Сринников. Унинг фикрича, бу ерда гап авлоддан-авлодга ўтадиган психологик таъсир қилиш техникаси устида кетмоқда. Уни мукаммал эгаллаганлар ишонувчан одамларнинг фикру хаёлини буткул ром этиб, уларни ақлий фалаж ҳолатига солиб қўядики, бунда жабрланувчи маълум муддат ўзини бошқаролмай қолади.

А.Скринниковнинг мулоҳазаларидан келиб чиқадиган бўлсак, ҳар биримиз кунига икки марта транс ҳолатига тушар эканмиз, яъни уҳлаганда ва уйқудан уйғонганда. Бу туш ва ҳушнинг ўзаро алмашишига ўхшаш ҳодиса. Бошқача айтганда, автобусда китоб ўқишга берилиб кетиб, бекатдан ўтиб кетганингизни сезмай қолганга ўхшайди. Бу енгил транс ҳолатига тушиш демакдир.

Шундай экан, гипнотик таъсирга тушиш эҳтимоли кўпчилигимиз учун амалда муқаррардир. Фирибгарлар худди ана шундан жуда усталик билан фойдаланади.

Фирибгарларнинг таъсир этиш услуби психологлар томонидан ҳар томонлама ўрганиб чиқилган. Улар ишни биринчи бўлиб, оломон ичидан тўғри келадиган "объект"ни аниқлашдан бошлайди. Бу товламачиликнинг биринчи босқичи ҳисобланади. Албатта, руҳан бақувват ёки биронбир аниқ мақсад билан шошилаётган одам уларни мутлақо қизиқтирмайди. Жиноятчилик "психотехнология"си чиғириғидан ўтганларнинг жамиятда ўз ўрнини тополмаётганлари уларга жуда ҳам қўл келади. Бошқача айтганда, руҳан анча заиф бўлиб қолган бундай одамлар уларнинг тузоғига тез илинадиганлар тоифасига киради. Юзида ҳафсаласизлик ва норозилик балқ уриб турган аёллар эса улар учун қойилмақом "гўшт"дир.

Ана шундай кишиларни улар тузоғига илинтиргач, диққатини жалб этиш учун ҳаракат бошланади. Одатда, бундай пайтда фирибгарлар сизнинг айни пайтдаги аҳволингизга мос тушадиган бир неча иборалардан усталик билан фойдаланади. Аслида булар ҳар бир ўткинчига нисбатан айтилиши мумкин бўлган сийқаси чиқиб кетган сўзлардир. Масалан, **«Юрагингизни қандайдир дард эзаётганини кўриб турибман»** (буни юзингиздан ўқиб олади), **"Муҳаббат сизни изтиробга солибди"** (аслида у қайси қизнинг бошидан ўтмаган дейсиз?), **"Севганингизнинг бевафолиги қалбингизни эзиб юборибди"** (бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас-ку), **"Ҳаётда кўп қийинчиликларни бошингиздан кечирибсиз", "Мен сизга албатта, ёрдам бераман"** ва бошқалардир.

Агар ана шу сўзлар сизни ўз таъсирига олса, демак, кейинги босқичга йўл очилади. Энди ҳеч иккиланмай асосий муддао — таъмагирликка ўтса ҳам бўлаверади. Бу ҳолат психологлар томонидан **"шахснинг руҳий оламига кириб бориш"** деб аталади. Шуни таъкидлаш керакки, бу борада кўплаб, жумладан, бир-бирига яқинлашган одамлар қачон бир-бирига ёқмай қолиши каби масалалар юзасидан кўплаб тажрибалар ўтказилган.

Бундай тажрибалардан мутлақо йироқ бўлган лўлилар эса фақат ўзларининг азалий тажрибаларига таяниб иш кўради. Улар ўз «мижоз»ининг руҳий дунёсига шунчалик чуқур кириб борадики, натижада «ўлжа» буткул ишончини йўқотиб, ўзини идора қилолмай қолади.

Ана шундан сўнг устаси фаранг товламачи бутун санъатини ишга солиб, «мижоз»ини аврай бошлайди. Натижада транс ҳолатига тушган "объект" ҳар қандай топшириқни бажаришга тайёр бўлади.

Товламачилар шунчалик уста бўлиб кетишганки, деярли ҳар қандай вазиятда ҳам сувдан қуруқ чиқишади. Милицияга тушганлари ҳам қимматбаҳо буюм ва пулларни «мижоз»ларнинг ўзи берди, деб қутулиб кетаверади.

Ҳозирги пайтда алдамчилар турли "соҳаларни" бирлаштирадиган гуруҳлар тузишга ружу қўймоқда. Улар кўпроқ ҳаётда қийналган, турмушдан ажрашган аёлларнинг кўнгли яримлигидан "унумли" фойдаланмоқда. Масалан, тузоққа тушган аёлнинг пулини олдин дуохон шилиб, кейин "амал" оладиганларга рўбарў қилади, улар энди фалончи экстрасенсга бор, унинг айтганларини тўлиқ қилишинг керак, дейди. Экстрасенс ўз навбатида фолбинга жўнатади, кейин туморга пул тўлайди. Бу иш чархпалак тарзида узлуксиз давом этиши мумкин.

Шунинг учун ҳам бундай фирибгарларнинг тузоғига тушганлар кўпинча бор-йўғидан айрилгандан кейин кўзи "мошдай" очилади. Лекин бундай товламачиликнинг оқибатлари узоқ вақт азоб беради.

Ана шундай товламачиликнинг домига илинмасликнинг энг оддий усули улар билан мулоқотга киришмасликдир. Ахир, унинг ўзи бировларни алдаш билан кун кечираётган бўлса-ю, сизнинг келажагингизни қандай қилиб айтиб берсин?! Келажак, бахт-саодат инсоннинг ўз қўлидадир. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак. Ҳаётда алданмай, тинч-тотув яшаш учун шунинг ўзи кифоя.

Шухрат МУСАЕВ
тайёрлади.

Taassuf va taajjub

ОМОНАТГА ХИЁНАТ

ЁХУД УЙ МОЖАРОСИ ҚАЧОН ТУГАЙДИ?

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Чирчиқ шаҳар суди ушбу масалани 2000 йил 28 июн куни кўриб чиқди. Суднинг ҳал қилувчи қароридан қуйидаги кўчирмани келтиришни лозим, деб билдик: **Гарчанд Р.Йўлдошев низоли уйни М.Илёсовдан сотиб олгани ҳақида важ келтирса-да, бироқ судга буни исботловчи бирон-бир аниқ далил келтира олмади. Чунки низоли уйнинг асл ҳужжатлари ва унинг номига берилган ишонч қоғози Т.Эргашеванинг қўлида мавжудлиги унинг келтирган важларига шубҳа билан қарашга асос бўлади. Шунга биноан суднинг қарори билан даъвогар Равшан Йўлдошевнинг Чирчиқ шаҳар 1-кичик турар-жой шаҳарчаси, 16-уй, 64-хонага нисбатан М.Илёсов билан ўрталарида тузилган олди-сотди шартномасини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъво аризаси рад қилинди.**

Бинобарин, Чирчиқ шаҳар нотариал идораси томонидан 1998 йилнинг 12 май куни фуқаро С.Илёсовнинг номига ушбу низоли уй-жойга нисбатан берилган мерос ҳуқуқи ҳақиқий деб топилди.

Ишонч қоғозининг муддати тугагани муносабати билан Т.Эргашева 200 йил 7 мартда С.Илёсовадан сотиш ҳуқуқи билан хат орқали яна бир марта 3 йиллик муддатга ишонч қоғози олади. Шу билан бирга уй учун пулни Т.Эргашевадан олгани тўғрисида С.Илёсованинг нотариус томонидан тасдиқланган аризаси ҳам юборилган.

2002 йил 15 январда Т.Эргашева ишонч қоғозига асосан мазкур уй-жойни амакисининг ўғли Эргашев Тоиржонга сотади ва шу куниёқ олди-сотди шартномаси БТИ орқали расмийлаштирилади.

Бироқ Р.Йўлдошев уйни бўшатишдан бош тортган.

Ўз уйига эгалик қилолмаган Т.Эргашев бошқа иложи қолмагач, фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилган. 2002 йил 18 декабрда судда ушбу масала кўриб чиқилади ва даъво қаноатлантирилади. Суд "Йўлдошев Равшан, Йўлдошева (Омарова) Кифоя Каримжонова (оила аъзолари билан), шунингдек, ҳозирги вақтда яшаётган шахслар бошқа турар-жой берилмаслик шарти билан Чирчиқ шаҳар, 1-кичик шаҳарча 16-уй, 64-хонадондан чиқариб юборилсин", деган қарор қабул қилди. Бундан ташқари, шу йил 5 феврал куни фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди судлов ҳайъати Р.Йўлдошевнинг мазкур суд қарорини бекор қилишни сўраб ёзган апелляция шикоятини кўриб чиқиб, 33ф-54-сонли ажримга асосан фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2002 йил 18 декабрдаги қарорини ўзгаришсиз қолдирди.

Шундай қилиб, йиллаб чўзилган уй-жой можароси ниҳоясига етишига бир баҳя қолди. Чунки Чирчиқ шаҳар суд ижрочилари бўлими суд ижрочиси Р.Тўлаганов томонидан Р.Йўлдошевга уйни бўшатиш ҳақида икки марта огоҳлантириш хати берилган. Лекин кейинчалик бу иш нимагадир тўхтатиб қўйилган.

Шу ўринда уй можароси билан боғлиқ ҳам бўлган қуйидаги тафсилотларни баён этишга қарор қилдик.

Ушбу низоли масалани ўрганиш мобайнида Эргашевлар хонадонининг энг ёши улуғ оқсоқоли, 74 ёшли Ислом ота билан суҳбатлашдик.

— Шу уй жанжали туфайли Сайрам билан Тошкент орасида бўзчининг мокисидай қатнайвериб, чарчадим, — дейди отахон хорғин кайфиятда. — 12 фарзандни тарбиялаб, чарчамаган эдим. Энди ҳаммаси ҳал бўлди десак, суд қарорининг ижроси фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро суди раиси вазифасини бажарувчи А.Комилов томонидан тўхтатиб қўйилибди. Беш ойдан бери бунинг сабабини билолмай гаранг бўлдим. Наҳотки, бир оғиз сўз учун шунча оворагарчилик лозим бўлса?..

Ушбу масала тафсилотларини ўрганиш мақсадида Чирчиқ шаҳридаги 27-маҳаллага борганимизда ёшгина қора кўзойнакли жувон ўзини Гулнора деб таништирди-ю, йиғлаб юборди. У Эргашевлар хонадонининг келини, уйга даъвогарлик қилаётган Р.Йўлдошевнинг катта опаси экан. Гулнораниг кўзи яқинда операция бўлгани учун ёруққа чиқиши мумкин эмас экан.

Гулнора ўксиб-ўксиб йиғларкан, дардини айтди:

— Шу можароли уйда 1995-97 йиллар оиламиз яшаган эди. Кейин жанжал бошланди. Мана 5 йилдирки, шу уй туфайли қариндош-уруғлар, қудалар орасида меҳр-оқибат кўтарилган, бир-бирларига ёвқараш қилишади. Икки ўртада мен эзилиб кетдим. Ахир, бир томонда укам бўлса, иккинчи томонда оилам бўлса, мен нима қилишим керак? Шу воқеалар туфайли асабийлашиш оқибатида кўзим хасталанди. Шу савил қолгур уйни деб кўзим ногирон бўлиб қолди. Энг ёмони, бўлаётган тортишувлар, орқаворотдан айтилган гап-сўзлар фарзандларим тарбиясига ҳам таъсир қиляпти. Қариндош уруғлар "борди-келди" қилиб, бу беш кунлик дунёда мазза қилиб яшаш ўрнига, фақат суд залию, терговда учрашса, бу нима деган гап, ахир?

Хулоса ўрнида айтсак, суд қарори ижро этилмаётгани боис аслида ҳал бўлган можаро баттар газаклаяпди. Бу эса қариндош-уруғлар ўртасига совуқчилик солмоқда. Суд қарорининг нега ижро этилмаётганини мутасаддилар қандай изоҳлашар экан? Ҳамма гап ана шунда қолди.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-559. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50